



# Ishonch

*Insonga naf  
keltirish —  
oliy baxt*

2008-yil 17-iyul  
№ 85 (2498)  
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta \* E-mail: ishonch-doverie@mail.ru \* Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



**Жамила**  
**топган**  
**хазина**



**Кредит**  
**қўйилмалари**  
**161 фоизга**  
**ошди**



**Алдов тузоғи**



**Тожи опанинг тугуни**



## Ракурс

### Масъулият ва...

Масъулият кенг тушунча. Уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди. Кимдир каттароқ, кимдир эса...


Пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан бирини тамомлаган дугонам йўлланма бўйича ишга борди. Ўзида йўқ хурсанд. «Соҳам бўйича ўзим ёқтирган ишга қабул қилинаман», — деганди тўлқинланиб. Бироқ вилоят бошқармасидагилар «Бизнинг ҳеч қандай кадрга эҳтиёжimiz йўқ» дея уни ортга қайтаришибди.

Масъулиятсизлик туфайли юзага келган бепарволик кучгайратга тўлиб, орзулар билан амалиёт томон илк қадамларини ташлаётган ёш мутахассисни бироз иккилантириб қўйди. Жамият равнақига ҳисса қўшиши мумкин бўлган фурсати энди кимларнингдир «масъулиятини эслатишга» сарфланади. Унинг қўлидаги ҳужжат эса бунинг аксини сўйлаб турибди: «...вилоят тиббиёт коллежига махсус фан ўқитувчиси керак... Бошқарма бошлиғи. Имзо».

Бу ҳужжатга масъулиятсизлик билан имзо чекилган. Натижада... Натижаси барчамизга таниш: неча кунлаб вақтнинг исроф бўлиши, чиплакка чиққан умидлар ва ҳоказо. Ҳаётимизда ана шундай «имзо»ларнинг тез-тез учраши кўнгил ойнасини хира тортиради.

Масъулиятсизликка қарши тура олиш ҳам инсоний бурчимиз, аниқроғи, зиммамиздаги масъулият эканлигини унутмайлик.

**Дилдора РАҲМОНОВА**



Она замин,  
буюксан, буюк,  
Қонмас юрак  
меҳрингга чиндан.  
Ўзинг сабаб,  
қовунни суюб  
Сўроқлаган  
Бобур ҳам Ҳиндан.

## Ғамхўрлик — фаолият асоси

**«Ёшлар йили» давлат дастури асосида кенгашимиз қатор хайрли ишларни амалга оширди. Шўрчи туман халқ таълими бўлими раҳбарияти билан ҳамкорликда 3 нафар ёлғиз нафақахўр муаллимнинг турар-жойи таъмирлаб берилди. 2 оилга эса биттадан қорамол ҳада килдик.**

Янги йил, қурбон ҳайити муносабати билан 59 та мактабда фаолият юритаётган 104 нафар ўқитувчи ва хизматчиларнинг мактаб ёшига етмаган фарзандларига совға-салом тарқатилди. 30 нафар марҳум сафдошларимизнинг хонадониди бўлиб, уларнинг оила аъзоларига касаба уюшма кенгашининг эсдалик совғаларини топширдик.

Бундан ташқари, ўқитувчиларимизнинг даволанишига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бугунгача 10 нафар ходимга ситатгоҳларга йўлланма олиб берилди.

Меҳнаткашлари эъзозланган эл ҳамиша обод бўлади. Кенгашимиз шу йўлда бутун куч ва имкониятини сафарбар этган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

**Эшмурод ХУДОЁРОВ,**  
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шўрчи туман кенгаши раиси

«Маъмур» фермер хўжалиги раҳбари Маъмур Жунов Оқолтин туманидагина эмас, бутун Мирзачўл воҳасидаги таникли ишбилармонлардан бири. Дастлаб хўжаликнинг ери 40 гектар бўлган бўлса, ҳозир у 255 гектар. Хўжалиқда чорвачилик етакчи соҳа саналади. Фермада 150 та зотли мол парваришланади. Бундан ташқари, 150 бош қўй, 100 та товук боқилади. Соғин сигирлардан ҳар куни 20-25 литр серқаймоқ сут олинади.

## Яхшилик

Маъмур ака сахий инсонлардан. Топган-тутганини фақат хайрли ишларга сарфлайди. Масалан, ўтган йили маҳалламиздаги болалар боғчасига, кам таъминланган аҳоли дастурхонига 20 тонна сут тортиқ қилди. Шунингдек, кам таъминланган бешта оилга биттадан соғин сигир ҳада этди. Бева ва етимлар ҳолидан хабар олиб туради.

Фермер хўжалиги аъзоларининг даромади ҳам чакки эмас. Ўртача ойлик 120-140 минг сўмни ташкил этаяпти. Иш ҳақидан ташқари улар ҳар йили оила эҳтиёжига яраша бугдой, пахта ёғи, кунжара олишади. Биронтаси тўй қиладиган бўлса, хўжалик гўшт билан таъминлайди. Қолаверса, уларнинг коммунал тўловлари ҳам фермер хўжалиги ҳисобидан қопланади.

— Дунёда инсондан фақат яхши ном қолиши керак, — дейди Маъмур Жунов. — Ҳали бажарадиган хайрли ишларим жуда кўп. Яхшилик қилиб, эл дуосини олсам дейман...

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

## Таътил мазмуни КЕЧМОҚДА

Кўнғирот қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида 1154 нафар ўқувчи 12 та мутахассислик бўйича таҳсил олади.

Замонавий компютерлар, 4 та лингафон кабинети, кимё, биология, физика ва ветеринария жиҳозлари улар хизматида. Шунингдек, турли хил тўғараклар ўқувчилари билимларини оширишга, жисмонан чиқтиришга хизмат қилмоқда.

Таътил кунларини кўпчилик ўқувчилар коллеж ахборот-ресурс марказида ўтказмоқда. Китобларга бой кутубхона улар ихтиёрида. Шунингдек, махсус спорт тадбирлари белгиланган бўлиб, дам олувчилар уларда фаол иштирок этмоқдалар.

**Улли БОБОЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

Навоий вилоятида аҳоли соғлигини сақлаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти? Бу саволга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоятидаги вакили Аслон Қаримов қуйидагича жавоб беради:

— Вакиллик тасарруфидаги 50 та даволаш-профилактика муассасасида меҳнат қиляётган хо-

ни таъминлаш ҳам эътиборимизда.

Ўтган йили даволаш муассасаларида ишляётган ходимлардан 115 нафари ситатгоҳларда соғломлаштирилди. Ходимларнинг 121 нафар фарзанди саломатлигини тиклади. Вакиллик тасарруфидаги даволаш муассасаларида ҳам жамoa шартномалари орқали 1062 нафар ходимлар маданий дам ол-

сусий тиббиёт муассасаси ва 40 нафар шифокор яқка тартибда ишлямоқда. 5 дан ортиқ ходими бўлган муассасаларнинг барчасида касаба уюшмаси тузилиб, жамoa шартномалари қабул қилинган. Нодавлат секториди ишловчи ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари мунтазам давом этаяпти.

## Эл соғлигини ўйлаб...

димларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, хавфсиз меҳнат шартини барпо этиш борасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида кўп ишлар қилинапти. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва уюшма фаолларига Марказий кенгаш томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мунтазам етказиб берилмоқда. Тармоқ ходимлари ва уларнинг болаларини соғломлаштириш, дам олиши-

дирилди, бунинг учун иш берувчилар ҳисобидан 11 млн. 695 минг сўм сарфланди. Ногиронлар, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларига кўрсатилаяётган ёрдам хўжақўрсин учун қилинаётгани йўқ, албатта. Даволаш муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш битими орқали иш шартини яхшилаш, ходимларга имтиёзли сут, совун, махсус кийим-бош берилишида тўлатўқисликка эришилди дея оламиз. Вакиллик тасарруфида 29 та ху-

Айтаман десак, гап кўп, аммо Ёшлар йилида ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни қайтармаган ҳолда бурчга масъулият билан ёндошмоқдамиз. «Сиз ўз соғлигингизни тонг ва баҳордан оладиган хузур-ҳаловатингизга қараб баҳоланг», — деган эди мутафаккирлардан бири. Шундай экан, ҳар биримиз ўз соғлигимиз ҳақида қайғуришни ўрганайлик. Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири



## Ҳаммаси саломатлик учун

Қибрай туманидаги «Дўрмон» стадиониди яна бир оммавий спорт тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоят вакиллиги томонидан Ёшлар йилига бағишланган спартакиадада тармоқ ишчилари мини футбол, дартс, енгил атлетика ва арқон тортиш бўйича мусобақалашдилар.

Маданият ходимлари касаба уюшмасида ўнлаб касб эгалари бирлашган. Санъаткорлар, босмаҳона ишчилари, маданият ходимлари, таҳририятлар ижодкорлари, театр жамоалари... Қани, ким кучли экан? Хуллас, вилоятнинг туман ва шаҳарларидан келган жамоалар ўзаро беллашилди. Биз эса фурсатдан фойдаланиб, қатнашчиларнинг фикрларини ёзиб

олдик. — Мен Собир Нишонов, Бўка тумани маданият саройида директор муовини лавозимиди ишлайман, — дея ўзини таништирди мини футболчи. — Бугунги спартакиадада жиддий тайёргарлик кўрдик. Жамоамизда Фарход Абдуллаев, Сардор Тожибоев, Ойбек Камолов, Зафар Нишонов каби спорт ихлосмандлари йиғилган. Бўка туманидаги тиббиёт, банк ишчилари, давлат муассасалари ходимлари жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб турамыз. Қисқа қилиб айтганда, спорт ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланган.

— Тармоғимизда корхоналар кўп, — дейди Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент

вилоятидаги вакили Қодир Амиржонов. — Спартакиадада йилдан йилга қатнашувчи жамоаларнинг сони ошаётгани бизни қувонтиради. Мусобақа баҳонасида ходимларимиз ўртасида спортни оммалаштиришга шу билан бирга мазмуни ҳордиқ чиқаришига ҳисса қўшиш ягона мақсадимиздир.

Биз атай мусобақа голибларига тўхталмадик. Чунки оммавий спорт тадбирида фақат дўстлик ва инсон саломатлиги галаба қозонади.

Барча совриндорларга тармоқ касаба уюшма вакиллиги ҳамда «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши марказий аппарати томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Ўзбекистон — умумий уйимиз

Елена опанинг бағри анвойи гулларга тўлди. Дили яйраб, ҳаёт йўли кинолентадек кўз ўнгида гавдалана бошлади.

...Бундан ўттиз саккиз йил илгари саратоннинг иссиқ кунларида тақдир шамоли уни Қаршига олиб келди ва шаҳарнинг меҳридарё одамлари орасида муқим яшаб қолди.

Ёш оилга ҳам маҳалласидан, ҳам қалбидан жой берган қаршиликлар орасида истараси иссиқ рус қизи ва умр йўлдоши тез орада ҳурмат қозонди. У вилоят газетасида мусахҳиқ бўлиб ишлаш билан бирга Қарши давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факултетида ўқиди.

Шаҳардаги 9-мактабда ўқитувчи, кейинчалик ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, директор бўлиб ишлади. 3-меҳрибонлик уйига раҳбарлик қилиб, қанчадан-қанча етим боланинг бошини силади. Вилоят ўқувчилар саройи фаолиятини йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшди. Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Елена Дмитриевнани Қашқадарёда яхши билишади. У Дехқонободнинг тоғли қишлоқларида, Помук ва Чандир чўлларида, Муборакдаги геологлар хузурида, Шаҳрисабз хунармандлари-ю Жейновнинг гиламчи аёллари даврасида бўлган.

Яқинда шаҳар ва вилоят жамоатчилиги Елена Дмитриевнанинг юбилейини нишонлашди. «Ҳафизахон» ресторанида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда вилоят ҳокими, Россиянинг Ўзбекистондаги фавқулудда ва мухтор элчиси Ф.Муҳаммедшин, шаҳар ва вилоят халқ таълими бошқармалари, миллий маданий марказлар, кенг жамоатчилик вакиллари, шогирдлари қатнашди.

— Ўзбекистон ўхшаши йўқ гўзал диёр, — дейди опа фахр билан. — Бу ўлканинг пурвиқор тоғлари, гўзал водийлари, зилол сувли дарёлари, жаннатмакон боғ-роғлари, ҳатто яшанлар ўсган чўллари ҳам қалбимга сурур бағишлайди. Энг муҳими, барикенг, меҳридарё одамлари билан қавм-қариндош бўлиб кетганмиз.

Уруш туфайли 7-8 ёшида ўзбеклар диёрига келиб, роппароса ярим аср муаллимлик қилган Ирина Соловёва, 1970 йилдан шаҳар туғруқхонасида ҳамширалик қилган, ўзбек оиласига келин бўлиб тушган украин Людмила Йўлдошева, Қаршидаги 12-мактабнинг бошланғич синф муаллими Роза Пак, яқинда саксон ёшини нишонлаган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Қарши даштини ўзлаштиришга ҳисса қўшган Надежда Царкова каби юртдошлари билан Елена Кучеренко ҳамиша фахрланади.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

## Мисқоллардан тикланади шон

Чанокларга минг бора эгилиб пахта теришдан тортиб, то уларни тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш корхоналарига етказиб бериш, сақлаш, техник шарт-шароитлар яратиб бериш каби юмушлар ўзига хос масъулият талаб этади. Ана шундай талабчанликни ҳис қилиш эвазига пахтакорларимиз ўтган йили пешона тери билан етиштирилган 35600 тонналик хом ашёни қисқа муддатларда қайта ишлашга эришди. Хатирчилик фермерлар ҳиммати билан давлатга 11 600 тонна сифатли тола етказиб берилди.

Айни дамларда корхона қошида 115 нафар уста ва ишчилардан иборат курилиш гуруҳи ташкил қилиниб, корхонани 2008 йил ҳосили учун тайёрлашга киришганмиз. Шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ишлари «Ўзбекистон», «Жўрақул Турсунов», «Бозорбой Очилов», «Гулистон», «Хамдам Раҳимов», «Отақул Равшанов» ҳамда корхонамиз қошидаги пахта тайёрлаш масканларида ҳам имкон даражасида бошлаб юборилган. Жараёни сифатли ва тезкор яқунлаш учун ишчиларга тушлик пайтида иссиқ овқат ва бошқа шарт-шароитлар яратиб берилган. Ювиниш, овқатланиш хоналари тубдан таъмирланиб, айни дамда янги ҳаммом қурилиши ниҳоясига етказилаётир.

Яқинда 15 нафар ишчи-ходим касаба уюшмамиз ҳисобидан Самарқанддаги «Оҳалик» ситатгоҳида саломатлигини тиклаб қайтди. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ёш оилаларга 1500 минг сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, ҳар бир байрам, аъзоларимиз тўй-маъракасида уларга корхона ёки касаба уюшмаси томонидан кўмак берилмоқда.

**Н. ШУКУРОВ,**  
«Хатирчи пахта тозалаш» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси



Ислом Каримов

ЮКСАК  
МАЪНАВИЯТ —  
ЕНГИЛМАС КУЧ

*Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларидан ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрининг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қийслаб бўлмайди, деб ўйлайман.*

Ислом КАРИМОВ

# Замирида чуқур маъно бор

Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси директори, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла УВАТОВ билан суҳбат

— Ҳеч бир нарса бесабаб дунё юзини кўрмайди, у зарурат ҳосиласидир. Инсон чанқанида сув, очиққанида егулик излаб қолганидек, тафаккур булоғидан кўз очиб отилиб чиққан ақл зиёси — китоб ҳам эҳтиёжга айлангандагина қадр топади. Бугун биз ана шундай неъматлардан бирига эга бўлиб турибмиз.

— Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг жаҳон тамаддунида муносиб ўрин эгаллашида маънавиятнинг аҳамияти беқиёс. Шунинг учунки, у йўқдан бор бўлмайди ва ўз ҳолича, айри ҳолда яшамайди, тинчлик-осойишталик ҳукм сурган, эркин фикрлаш муҳити яратилган ва ҳар томонлама униб-ўсиш имконияти юзга келган жойдагина ўзлигини, ўзига хослигини намоён этиб, зарурат туғилганда ўзгаларга ибрат мақомида хизмат кўрсатишга қодир бўлади. Ва табиийки, бу ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди.

Давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари билан танишиб чиқиш жараёнида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Дарҳақиқат, китоб истиқлолдан буён ўтган йилларда амалга оширилган ишларнинг мантикий хулосаси ўларок, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мужассами бўлибди. Бошқача айтганда, мен бу китобда «ўтмишсиз келажак йўқи», деган ҳикматнинг бутун бир халққа туғ бўлиб, ёрқин манзилларга бошлаб бораётганини кўрдим. Ва албатта, мен бу китобда «маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак», деган сўзлардан шахсан ўзимга хулосалар чиқариб олдим.

— Туронзамин авваламбор минглаб алломалар юрти сифатида машҳурдир. Улар тарихимизни ёритиб турган юлдузлардир. Аммо, эътироф этиш лозимки, биз ўзлимизни мустақилликдан сўнггина эмин-эркин ҳис қилиш имкониятига эга бўлдик.

— Нимасини айтасиз! Ислом Каримов мамлакат биринчи раҳбари этиб тайинланган, аммо ҳали шўрлар жиловни маҳкам ушлаб турган бир пайтда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, бу йўналишда муайян саъй-ҳаракатлар бошланган, хусусан, кўчалар ўзидан унутилмас из қолдирган одамлар номи билан аталаётган кезлар гувоҳи бўлганим бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Тошкентликлар яхши билишади, Учтепа тумани ҳокимияти рўпарасидаги кўчалардан бири аз-Замашарий номи билан аталади. Халқимизда урф бўлган наҳорги ош маросимидан чиқиб бораётсак, ёши бир жойларга борган бир киши муюлишдаги лавҳани ўқиб, ўзича мулоҳаза юритган бўлди.

— Аждодларимиз ҳам кўп экан-да! Лекин ном қўйишганда, у ким, қандай хизматлари билан доврў таратган —

шулар ҳақида ёзиб қўйишса бўларкан. Тўғриси, Замашарий ҳақида элас-элас эшитганим бор-у, лекин кимлигини яхши билмайман. Ахир мактабда ўқитишмаган бўлса...

Мен билганларимни мухтасар сўзладим. Ўшанда у кишини кўрсангиз эди! Хазина топиб олгандек суюниб кетиб, ҳозирок бу ҳақда уйдагиларимга гапириб бераман, деганча қадамини илдамлатиб бораётгани кечагидек кўз ўнгимда.

Буюқларимиз ҳақида маълумотга эга бўлмаслик, албатта, уятли ҳол. Аммо нетайлики, замон бошқача эди, ўша давр сиёсатдонлари учун одамларни гафлатда ушлаб туриш маъқулроқ эди. Халқаро ташкилотлар сўраб-суриштириб қолган, ўшанда ҳам мафкурага хизмат қилиш эҳтимоли туғилган ҳолларда юбилейлар ўтказилмаса, бошқа пайтларда бутун тарихни ўн еттинчи йилдан бошлангандек тасаввур уйғотиш учун зўр бериларди. Айна шу сабабдан келиб чиқиб, кимсан аз-Замашарийни билишдан кўра билмаслик ҳақиқатга яқинроқ эди.

Бундан ўн бир йил муқаддам Юртбошимиз Хивада бўлганларида, беназир алломанинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида тўхталиб, бир араб мутафаккирининг «дунёдаги барча қишлоқлар жам бўлиб, Хоразмнинг биргина Замашар қишлоғига фидо бўлса арзийди, чунки айнан шу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган аз-Замашарийдек буюқ алломанинг ватанидир», деган баҳосини алоҳида таъкидлаган эдилар. Чунки буюқ ватандошимиз араб тили, унинг наҳви сарфи (грамматикаси) ва луғатшунослиги раванқиға беқиёс ҳисса қўшганди-да!

Балки шунинг учунки, биз-ку биз, ҳатто арабларнинг ўзида ҳам Замашарийни тушунишда гайритабиийлик бор. Қарангки, бундан 5—6 йил аввал Тунисда бўлиб ўтган халқаро конференцияда маъруза қилиб, юртимизда етишиб чиққан алломаларимизнинг баъзиларини тилга олганимда, бир араб олимни: «Замашарий араб олимиди-ку!», дея эътироз билдирганини эшитиб, очигини айтсам, бир томондан норози бўлсам, иккинчи томондан ғурурланиб кетганмиз.

Ўрта асрларда, маълумки, араб тили нафақат Куръони Карим нозил бўлган тил, шунингдек, илмий тил ҳам ҳисобланган. Табиийки, туронзаминдан етишиб чиққан олим муфозалар ҳам шу тилда ижод қилишган. Масалан, «Шайх ар-раис» деб аталувчи Абу Али ибн Сино жаҳоний шухратга эришган бўлиб, ундан бошқа ҳеч бир олимга бу унвон қўлланилмаган.

Ёки бўлмаса, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг 600 мингга яқин ҳадисларини ёдларидан сақлаган беназир аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида араб олимларидан бири Амр ибн Али ал Қалоснинг «Имом ал-Бухорий билмаган ҳадис — бу ҳадис эмас», деган эътирофи мазмунини чақайлик-а!

Шундан кейин ҳам «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?» дея ўз-ўзимизга савол бермаслигимиз мумкинми ахир? Мен бу шижоаткор даъватни «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қайд этилган куйидаги жумлаларни ўқиб, яна ва яна теранроқ ҳис этдим: «Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Нега деганда, ўзимиз — бугун шу юртда яшаётган вазанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммамизга олмасак, четдан келиб ҳеч ким ҳеч қачон бу ишни қилиб бермайди».

— Аксар миллатлар (айниқса, узоқ йиллик асоратдан халос бўлгач) ўз тарихини қайта ёзар экан, ошириб-тоширишга мойил бўлади. Бироқ биз учун бундай қилиш шарт эмас. Улуғларимиз кўп, уларнинг номларини бир-бир санаб ўтсак ҳам бўй баравар китоб қад ростлайди.

— Ҳақиқий полвон гиламда ўзини вазмин тутуди, худобехуда иргийлайвермайди. Мард майдонда билинади, деб балки шунга айтишгандир. Бугун бизнинг олдимизда унча-мунча мамлакат олимлари тасаввур қила олмайдиган улкан вазифалар турибди. Буюқ сиймоларимиз шу қадар кўпки, уларнинг қай бирларини мактаб дарсликлариға, яна қай бирларини ёрдамчи адабиётларға жо этиш ва яна қай бирларини ҳозирча илмий ўрганиш манбаси сифатида қўриш билан кифояланиб туриш керак, деган масала ҳам ҳали тўла ечимини топди, дея олмаймиз.

Маълумки, ўтган йили Самарқанд шахрининг 2750, Марғилон шахрининг 2000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Ундан аввал Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг юбилейлари бўлиб ўтганди. Яна ҳам илгарироқ Бухоро ва Хивада шундай тантаналарға гувоҳ бўлгандик. Булар, аслини олганда, шунчаки саналарни ёдға олиб қўйиш эмас. Замирида катта маъно-мазмун ётибди. Ана шу шаҳарларнинг барчаси ўз даврида илмий-маданий-маърифий марказлар бўлишган. Бу қадимий шаҳарларда бунёд этилган мадрасаларда нафақат диний, шунингдек, дунёвий табиий илмлардан ҳам сабоқ берилган. Юзлаб мударрислар минг-минглаб талабаларни ҳаётға тайёрлашган. Буни қарангки, шунча талотумлардан омон қолган мамлакатимиз худудидан мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обидалар умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиға киритилганки, бундай шараф пешонасиға ёзилган диёрлар ер юзида бармоқ билан са-

нагулик даражада озчиликни ташкил этади.

Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, табаррук заминимизда маданият, маънавият энг камида 25—27 асрларға тенгдир. Уларда етишиб чиққан олим муфозаларимизни айтмайсизми?!

Биласиз, Қарши илгари Насаф, Шахрисабз эса Кеш деб юритилган. Юртбошимиз ана шу шаҳарларнинг юбилейида Қашқадарёға вояға етиб, курраи заминға доврў таратган аждодларимизнинг улуг номларини тиклаш, бу борада изланишлар олиб бориш ҳақида алоҳида таъкидладилар. Айтиш мумкинки, бу масалада эътибор-

сиз, бундан қарийб ўн беш аср муқаддам халифа Усмон ибн Аффон (575—656) раҳнамолигида ёзилган «Мусхафи Усмоний»дан айнан кўчирилган нусха дейиш мумкин. Маълумки, ўша даврда қуфий хатида битилган муқаддас китобнинг атиги олти нусхаси бўлиб, улардан бири Тошкентда, Ўзбекистон муулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади.

«Мусхафи Усмоний»дан айнан кўчирилган нусха, агар таъбир жоиз бўлса, сафарда ҳам бўлиб келди. Бир йил муқаддам Лондонда ташкил этилган «Муқаддас динлар манбалари» халқаро кўргазмасида Куръоннинг бу

га лойиқ ҳаракатлар бошланди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги раҳнамолигида бугун Қарши давлат университетида Насафийлару Кешийлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш ислом маркази фалият кўрсатмоқда. Шу йил ана шу марказ раҳбари сифатида Саудия Арабистонида бўлиб, Ар-Риёд шаҳридаги подшоҳ Файсал номи билан аталувчи Исламшунослик тадқиқот марказида икки ҳафта мобайнида илмий иш билан шуғулландим. Маълум бўлишича, 360 дан зиёд Насафийлар бор экан. Уларнинг 60 га яқинининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларни олиб қайтишға муваффақ бўлдим.

Бухорийлар, Термизийлар, Хоразмийлар, Кешийлар, Насафийлар, Шошийлар... Уларнинг ҳар бири алоҳида тарих. Улар билан боғлиқ манбаларнинг ҳар бири юксак маданият, юқори даражада тараққий топган илм-фан ва албатта, юксак маънавиятдан сўзлайди. Уларни ўрганиш, сира тиним билмай ўрганиш ва яна ўрганиш керак.

— Сиз Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинаси директисиз. Айтинг-чи, бундан чорак аср муқаддам — ўз соҳасининг етуқ олимлари қаторида тилға тушиб қолган тарих фанлари номзоди Убайдулла Уватов Ўзбекистонда шундай дорилфунун очилади, унда маънавий дурдоналарни жамулам этган ажойиб бир хазина «СИМ-СИМ» эшигини очди, деб ўйлаганими?

— Оруз қилганман, албатта. Аммо бу қачон рўй беради, кўплар қатори мен ҳам билмаганман. Худо деган эканмиз, 1999 йилнинг апрелида мустақил Ватанимиз илмий-маънавий ҳаётда унутилмас воқеа содир бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Тошкентда ислом университети ташкил этиш ҳақидаги тарихий фармонға имзо чекдилар. Ушбу фармонда яна бир банд бўлиб, унга кўра университет таркибида Манбалар хазинаси ташкил этиш, минг йиллар оша яшаб ўтган улуг аждодларимиз томонидан яратилиб, мамлакатимизда сақланаётган ҳамда чет эллардан олиб келинган илмий-маънавий, диний меросимиз дурдоналарини жамлаш, талла даражасида сақлаш ҳамда уларни келгуси авлодларға етказиш, улар ус-тида илмий тадқиқотлар олиб бориш каби масалалар асосий вазифалар сифатида белгиланган эди.

Ҳозирги кунда Манбалар хазинасида уч юздан ортиқ кўлөзма, мингга яқин тошбосма (литография) ҳамда бир минг беш юздан ортиқ замонавий нашрий китоблар мавжуд бўлиб, уларни илмий муомалаға киритиш бўйича мунтазам равишда изланишлар олиб борилмоқда. Манбалар хазинасида сақланадиган нодир ёдгорликлардан энг муътабарлиси, шубҳа-

ноёб нусхаси барчанинг эътиборини тортди. Кўргазма директорининг эътирофиға, икки ой мобайнида уни 100 мингдан зиёд одам зиёрат қилган.

Манбалар хазинасида жамланган асарларнинг катта қисми — 1000 га яқин нашрий китоблар исломий илмларнинг барча соҳаларини қамраб олган, десам асло мулобаға бўлмайди. Куръонға ёзилган кўплаб машҳур тафсирлар шулар жумласидандир.

Кези келганда, яна бир нарсани таъкидлашни истардим. Ҳозирғача халқимиз кўлида сақланиб келадиган асарлар анчагина бўлиб, уларнинг Манбалар хазинасидан муносиб жой эгаллашни истаганлар бевосита бизға муурожаат қилишлари мумкин. Университет олимлари ва мутахассислардан иборат нуфузли эксперт баҳолаш ҳайъати ҳар бир тақдим этилган китобға унинг мазмун-моҳияти ва илмий-қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳақ белгилашға тайёр.

— Яшаш учун уриб турган юрак ҳамда томирларда юриб турган қон қанчалар зарур бўлса, ўзликни англаш ва уни йўқотиб қўймаслик учун маънавий етуқлик ҳам шунчалар муҳим. Зеро, маънавият бизнинг жонли тарихимиздир. Тарихсиз эса келажак йўқи.

— Бундай халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Чунки Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганларидек, ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги, албатта, порлоқдир. Самарқандда «Шоҳи-зинда», Бухорода «Масжиди Калон», мамлакатимиз пойтахтида «Ҳазрати Имом» мажмуаларининг қайта юз очиши, бу фикрнинг амалдаги кўриниши, деб бемалол айтиш мумкин.

Биз шу пайтгача Тошкентнинг нон шаҳри, тинчлик шаҳри, дўстлик шаҳри, дея эътироф этилишдан фахрийфтор туяра эдик. Бугун у яна бир буюқ эҳтиромға мушарраф бўлиб турибди. Ўтган йили Ислом конференцияси ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — АЙСЕКСО томонидан Тошкент Ислом маданияти пойтахти, дея эълон қилинди.

Бу бир ҳикматдирким, замирида биз оддийгина қилиб «эътироф» дея атайдиган, аслида ўтмиш билан бугунни уйғунлаштиришнинг удрасидан чиққан буюқ халқ даҳосиға чуқур эҳтиром белгиси мавжуд. Бугун ана шу халқ ахлоқ-одоби, иймон-эътиқоди ва она заминиға чексиз муҳаббати ва садоқати ила юксак маънавият соҳиб бўлиш истагида бутун вужудида эзгулик уруғлари ниш уриб, туп қўйиб, палак ёзиши учун астойдил интиломоқда. Бу — бежиз эмас. Чунки юксак маънавият енгилмас кучдир.

Суҳбатдош:  
Зайниддин РИХСИЕВ

«Ишонч наф келтириш — олий бахт» танловига



Субхидамда осмон янада тиниклашади. Шамол оппоқ булутларни олисларга олиб кетади. Суви камайганидан саёзлашиб ирмоққа айланиб қолган Қашқадарё илон изи бўлиб оқади, оқаверади. Жамиланинг безовта ҳаёллари ҳам зилол сувдек тўлқинланиб, ўтган умрини эсига туширади. У зиёлилар оиласида вояга етган.

ёшларга таълим-тарбия бермоқда. 43 та мактабгача таълим муассасасида 5670 нафар бола тарбияланмоқда. Ходимларнинг 90 фоизи хотин-қизлар, 70 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар.

мактаблар касаба уюшма ташкилоти раислари Матлуба Мустафоқулова, Санобар Муҳиддинова, Жамила Тўйчиева, Шоира Каримова, Сайфулла Эшонқуловлар ҳар бир ходимнинг тақдири учун жонқуярлик кўрсатишяпти. Тармоқ келишувидеги барча шартларнинг ижроси таъминланмоқда.

Очерк

# Жамила

## топган хазина

Кечагидек ёдида. Отаси ахён-ахён-да фарзандларини кутубхонасига тўплаб, қайта-қайта ўқитар эди:

— Болаларим, менинг бутун бойлигим мана шу китобларим. Ярим аср муаллимлик қилиб, шу ноёб хазинани тўпладим, уни кўз қорачигидек асранглар.

Меҳнат фаолиятини Қумқашлоқдаги мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, умр бўйи ёшларга таълим-тарбия берган табаррук устоз мустақилликнинг дастлабки йилларида самарали меҳнатлари учун «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

Қурбон Тўрақулов машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматов битикларини меҳр билан мутолаа қилар, мўъжазгина кутубхонасида буюк ёзувчининг «Танланган асарлар» тўплами сақланар эди. Умр йўлдоши Ҳамроҳон Муқимова билан адибнинг «Жамила» қиссасини ўқишгани сари ўқигилари келарди. Китоб қахрамони ёқиб қолганиданми, қизлари туғилганида унга яхши ният билан Жамила деб исм қўйишди.

Отaxonнинг тўрт ўғил, икки қизи қатори Жамила соғлом фикрли, серғайрат, билимли бўлиб ўсди. Аждодларидек қатъиятли, ибодли, ҳаёли, энг муҳими, одамларга меҳрибон, оқибатли мутахассис бўлиб вояга етди. Бундан йигирма икки йил аввал Қарши давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факултетини битириб, ўзи ўқигади 29-мактабда дастлаб муаллим, кейинчалик илмий бўлим мудири, маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлади.

Февъл-атворидеги оддийлик раҳбарлик фазилатларига уйғунлашиб кетди. Кўнглида борини яшириб ўтирмай, суҳбатдошининг юзига шартта айтиб қўяди. Тўғрисиўлиги учун обрў-эътибор қозониб, жамоат ишларида фаол қатнашди.

— Жамиладан келажакда яхши раҳбар чиқади, — деди мактаб директори Муаззам Хидирова касаба уюшма кўмитаси раиси Сайфулла Эшонқуловни ҳузурига чорларкан. — Сиз устоз сифатида ташкилотчилик ишларини унга ўргатинг.

Сайфулла ота эллик йиллик педагогик тажрибага эга, қирқ йилдан бери касабакўм раиси бўлиб ишлайди. Ташкилотнинг 157 нафар аъзоси қатори шоғирдига ғамхўрлик кўрсатиб, касабакўм аъзолари таркибига киритди, тажрибаларини эринмай ўргатди, Жамилада касаба уюшмасида ишлаш қобилияти шаклланишига озми-кўпми хисса қўшди.

...Ва ниҳоят 2004 йилнинг декабрида ёш муаллимга катта ишонч билдирилиб, таълим ва фан ходимлари касабакўм уюшмаси вилоят кенгашининг Қарши шаҳри бўйича вакили этиб таъинланди.

250 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган шаҳарда 45 та ўрта мактаб бўлиб, 41.662 нафар бола таълим олмақда. Бундан ташқари 2 та ихтисослашган, 2 та махсус мактаб-интернат, 2 та ўқувчи ёшлар ижодиёт техник маркази, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. 3017 нафар ўқитувчи

Жамоат иши мураккаб ва масъулиятли. Қийналган дамларида Жамилага тармоқ кенгаши раиси Шодмон Қўбаев, унинг ўринбосари Шерзод Йўлдошев, касаба уюшма ташкилотлари вилоят бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири Яраш Норовлар яқиндан кўмаклашадилар.

Вакиллик ва шаҳар халқ таълими бўлими ўртасида 2006 — 2008-йилларга мўлжалланган ҳудудий тармоқ келишуви, 60 та юридик шахс мақомига эга таълим муассасаларида иш берувчи ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан жамоа шартномалари қабул қилинган. Уларда 7654 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, дам олиш ва соғломлаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Жамиланинг ҳузурига тез-тез келиб туришади. У бирор кишини ноумид қайтармай, муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилади.

— Касабакўмдан розиман, — дейди шаҳардаги «Олтин қалитча» мактабгача таълим муассасаси ходими Зайтуна Валитова. — Вакиллик ёрдамида икки фарзандим билан ишчилар ётоқхонасига жойлашдим. «Қарши буюм бозори» касаба уюшма кўмитаси раиси Манзура Ҳасанова эса ётоқхона учун ижара пули тўлашни зиммасига олди. Касаба уюшма вакиллиги доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб, фарзандларимни дарслик, ўқув қуроллари ва кийим-кечак билан таъминлаб келаяпти.

40-мактаб боғбони Фарҳод Бердиевнинг умр йўлдоши Раҳима Исмоилова эрининг ноқонуний ишдан бўшатилгани ва меҳнат ҳуқуқлари бузилаётганини тўғрисида вакилликка мурожаат қилган эди. Ариза вақтида ўрганилиб, ходимнинг ҳуқуқлари тикланди, унга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Имтиёзли йўлланма билан «Бешкент» сиаҳатгоҳига даволаниш учун жўнатилди.

— Муолажалар туфайли соғайиб кетдим, — дейди Фарҳод Бердиев. — Оилам ва ўзимга ғамхўрлик қилганлиги учун касаба уюшма кўмитасидан миннатдорман.

44-мактаб ишчиси Жамол Бозоров, 29-мактабдан Тўлған Ёркулова, 13-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Хурсанд Абдумуродоваларнинг муаммолари ҳам касабакўм аралашуви билан ечимини топди.

Биз борган куни Жамила Тўрақулованинг ҳузурига 29-мактаб ходими Фулом Раҳмонов турган экан. Умри меҳнат билан ўтган қария сиаҳатгоҳда даволаниш учун йўлланма сўраб келибди.

Касаба уюшма кўмитаси унга Шаҳрисабзнинг баҳаво масканида жойлашган «Мироқи» санаторийсига имтиёзли йўлланма берди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вакилликнинг фаоллиги туфайли бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ташаббускорлиги кўчайиб бормоқда. Улардан 15 таси таянч ташкилот ҳисобланади. 3-, 6-, 23-, 28-, 29-

Шаҳардаги 29-мактабда «Таянч касабакўм уюшма ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, хоналарини жиҳозлаш» мавзусида семинар ўтказилиб, тажрибалар оммалаштирилди.

Ўқитувчилар ўртасида саломатлик спартакиадалари ўтказиш одат тусига кирган. Шахмат, шашка, стол тенниси, арқон тортиш, қўл жанги бўйича ўтказилган мусобақаларга 1,5 млн. сўм, мактабгача таълим муассасаларига спорт жиҳозлари олиб бериш учун қарийб 2 млн. сўм маблағ сарфланди. Ногирон ва нафақахўрларга 5,4 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кутубхоналардаги китоблар сони икки баравар кўпайтирилди. Ҳар битта мактабда спорт зали ва майдончаси, фан тўғрақлари, компьютерлашган синфхоналар мавжуд. Вилоят марказининг Бўстон маҳалласида лойиҳа қиймати 737 млн. сўмлик 420 ўринли янги мактаб қурилди. 8 та мактаб реконструкция қилиниб, спорт иншоотлари барпо этилди.

Вакилликнинг вилоят ва республикага ибрат бўладиган ишлари бисёр. Жамила Тўрақулова ва ҳисобчи Шоҳида Қурбонваннинг саъй-ҳаракати билан бир йилда 70 млн. сўмлик аъзолик бадалли йиғилиб, касаба уюшма ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимоя тадбирларига сарфланмоқда. Одамларга ғамхўр ва оқибатли бўлишни устози Ҳалима ва Муборак Каримовалардан ўрганган бўлса, талабчанлик севимли мураббийи Мамлакат Қодировадан ўтган.

Ёшлар йили учун тузилган тадбирлар режаси изчиллик билан бажарилаяпти. Тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож педагогларни қўллаб-қувватлаш дастурининг ижроси қатъий назоратда. 30 ёшгача аъзолари бўлган 53 та кам даромадли оилага мунтазам моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

«Юксак маънавият — енгилмас куч», «Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» каби танловлар ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш, ходимларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш имкониятини яратмоқда.

...Шўх-шодонлиги, ўзини эркин тутиб суҳбатдоши билан тез мулоқотга киришиб кетадиган маорифчилар касабакўм уюшмаси етакчиси Жамила Тўрақулова чорак асрлик меҳнат фаолияти давомида 82 ёшида ҳаётдан кўз юмган отаси Қурбон муаллим айтган ўша хазинани топди.

— Одамларнинг меҳр-муҳаббати, илму урфон, ёш авлод — булар битмас-туганмас хазина, — дейди Жамила ишонч билан. — Ҳаёт оқар дарё сингари йўлида давом этар экан, мақсадим инсонларга наф келтириш, халқ фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қилишдан иборатдир.

Иzzат ХИКМАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

«Мен — ёшликман»

танловига

Нурли манзиллар сари

Адабиёт — одоб, ахлоқ, эзгулик ва саодат бўстони. Шеър англаш ходисаси. Рухиятни сезим билан, кечим билан англаш. Моҳият эса сўзга айланган дил, сўзга айланган туйғу, сўзга айланган ҳис... Гул қуёшга қараб очилади,



нурга талпинади. Илло, гул — қалб акси, унинг бетакрор гўзал тасвиридир. Ўткир Алимов шеърларида ана шундай нафислик, қалбни гулдай очиб тақдим этиш хусусияти бор. Самимият, ишонч, муҳаббатга асирлик сатрлардан-сатрларга ўтиб садаланади. Ўткир Алимов эндигина ўн саккиз ёшга қадам қўйди. Аммо у ёш бўлишига қарамай ўзининг истеъдоди билан бошқалардан ажралиб туради. Қайси мавзуда ёзмасин, энг аввало қалб туғёнига қулоқ тутайди. Ватанга, онага, ёру дўстларига бўлган юксак меҳр-муҳаббатини қалб ҳарорати билан уйғун тарзда ифода этишга уринади.

Ўзбекнинг қонида бор

Қаторида қирқта нор,  
Бир япроғи минг чинор.  
Вафо, мардлик ҳамда ор —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Ҳаёт асли тижорат,  
Савдолардан иборат.  
Кўксидаги жасорат —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Сўзидаги ҳар сеҳр,  
Кўзидаги ҳар сеҳр.  
Қалбни сийлаган меҳр —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Дилида йўқ рақобат,  
Орзулари қатма-қат.  
Камтаринлик, оқибат —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Буюк элнинг қудрати,  
Бошлаган иморати.  
Ёшларининг шиддати —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Ҳалоллигу пок ният,  
Тилида эзгу оят.  
Ўзлигу номус, уят —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Яшна халқ, келди давр,  
Мамлакатинг хур эрур.  
Қалбдаги миллий гурур —  
Ўзбекнинг қонида бор.

Тўртинчи одам

У жуда ғалати, ғалати зотдир,  
Душманга ҳайрихоҳ, дўстга ётдир.  
Сирти оқ кўринар, ичи-чи қора,  
Дунё шатранжиди барибир мотдир.

Нордай билагида бўлса ҳам кучи,  
Айёр тулкидайин ташлайди қадам.  
Иккиси уришса, ажратар бири,  
Томошабин бўлар тўртинчи одам.

Ифтихор

Ҳар кимнинг ўз уйи бўлсин,  
Шўх яласи, куйи бўлсин.  
Ўз уйида тўйи бўлсин,  
Момом айтган кунлар келди.

Муқаддасдир юрт тупроғи,  
Ҳилпирайди эрк байроғи.  
Йиллар ўтиб энди чоғи,  
Момом айтган кунлар келди.

Осмонда хур қалдирғочлар,  
Сурма қўйган қаламқошлар.  
Омон бўлсин мудом бошлар,  
Момом айтган кунлар келди.

Кўргин қаторда норингни,  
Қани, беринг дуторимни.  
Айтайин сизга боримни,  
Момом айтган кунлар келди...

Ўткир АЛИМОВ



# КРЕДИТ

# қўйилмалари

Иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган юртда ислохотларни кенг кўламда олиб бориш учун имкониятлар ҳам етарли бўлади. Молия муассасаларидан бири бўлмиш Акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»и ҳам ана шундай омилларни ўзида мужасам этган. Бугунги кунда 80 мингга яқин акциядорларга эга бўлган банк 13 та вилоят бошқармаси, 186 та бўлим орқали мулкчилик шаклининг барча кўринишидаги юз минглаб мижозларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, акциядорлик тижорат «Пахта Банк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида вилоят халқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миллий валютаимиз қадрини юксалтириш ва банк соҳасини такомиллаштиришда муайян ишларни амалга оширди. Бошқарма бўлимларида 2008 йил 1 январ ҳолатида 14 минг 647 нафар мижозга хизмат кўрсатилган бўлса, 1 июл ҳолатида турли мулк шаклларидаги 15 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахслардан иборат кенг соҳа мижозлари комплекс хизматидан баҳраманд бўлди. Уларнинг 5014 нафари кичик бизнес субъектлари, 7754 нафарини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилади. Йил бошига нисбатан мижозлар сони 363 тага ошди.

Бошқарманинг 11 та туман филиали ҳамда 52 та мини банклари фаолият ҳажмининг янада кенгайтириш учун қулай имконият яратди.

Юртбошимизнинг жорий йил феврал ойидаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил 1 апрелгача бўлган даврда истаган киши банкда ўз депозит ҳисоб-варағини очиши, унга миллий ва хорижий

валютада чекланмаган миқдорда ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда исталганча пул маблағларини қўйиши мумкин. Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан қўйилган пул маблағлари жорий йилнинг ушбу даврида солиқ органлари томонидан текширилмайди. Яъни, улар барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод этилади. Фармонда банк сирига риоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уни ошқор этгани учун мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари қўлланишига ҳам эътибор қаратилган.

Кундалик ҳаётда барчамиз учун доимий зарур бўладиган газ, сув, электр энергияси учун тўловларнинг вақтида амалга оширилиши ортиқча муаммо ва ташвишларга ўрин қолдирмайди. Бошқарма томонидан бу борада ҳам кенг кўламда иш олиб борилаётир. Шу мақсадда туман бўлимларида аҳолидан коммунал тўловлари қабул қиладиган 14 та махсус касса ва 1 та кўчма «Дамас» кассаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида коммунал тўловлардан 3 миллиард 338 миллион сўм нақд пул тушумлари қабул қилинди.

Банк филиаллари, минибанк ва махсус касса шохобчаларида ўрнатилган тартибда экспресс карталарини мижозга етказиш бўйича тегишли тартибда шартномаларни расмийлаштирган ҳолда янги хизмат турлари жорий этилиши ҳам мижозлар учун қулайлик туғдирди. Бугунги кунга келиб «Coscom» қўшма корхонаси, МЧЖ «Юнител», ҚК «Ўздунробита» экспресс карточалари банк кассалари орқали сотилиши йўлга қўйилди. Жорий йилнинг олти ойи давомида 148,1 миллион сўмга экспресс карточалари сотилди.

Нақд пул муомаласини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган плас-

тик карточалар асосида ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Чунинчи, туман бўлимлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 176 та терминал ўрнатилди. Ушбу терминаллар орқали 839,9 миллион сўм маблағ айланди. Шунингдек, 459,2 миллион сўм маблағлар пластик карточаларнинг қолдиғи бўлмоқда. Амалдаги йилнинг биринчи ярми давомида ташкилотларнинг 49 минг 954 ходими иш ҳақини пластик карточалар орқали олди.

2008 йилнинг 1 январ ҳолатида жами кредит қўйилмалари 34 миллиард 483 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1 июл ҳолатига келиб 55 миллиард 659 миллион сўмни ташкил қилди. Яъни, кредит қўйилмалари миқдори банк бўлимига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 миллиард 176 миллион сўмга ёки 161 фоизга ўсди.

Банк кредит портфели сифати доимий назоратга олинган. Банк активлари тавасифланиб борилмоқда. Таваккалчилик даражаси бўйича жами кредит қўйилмаларининг 55 миллиард 659 миллион сўмдан 54 миллиард 582 миллион сўми, яъни 98 фоизи яхши кредитлар, 1 миллиард 78 миллион сўми, яъни 2 фоизи стандарт кредитларни ташкил этади. Эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида банк филиаллари томонидан 107,8 миллион сўм захиралар яратилган.

Бугунги кунда мавжуд мини банклар орқали 3600 нафар мижозга, жумладан, 2856 та фермер хўжаликларига барча хизмат турлари кўрсатилмоқда. Хусусан, мижозларга шу даврга қадар 8 милли-

ард 753,1 миллион сўм кредит ажратилди.

Техника деҳқоннинг қаноти. Ерни экинга тайёрлаб, уруғ қадалганидан бошлаб то ҳосил йиғиб-териш олингунга қадар амалга ошириладиган ишларнинг асосий қисми техника зиммасида бўлади. Шу сабабли деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган техника воситалари сотиб олишда ҳам банк томонидан амалий ёрдам берилмоқда. Масалан, «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги, Денов ММТП, Соҳибкор ММТП, Янги турмуш техникаси ММТП сингари 9 та қишлоқ хўжалиги корхоналарига «Класс Доминатор» русумли комбайнла-

даврида ушбу кўрсаткич 2 миллиард 678 миллион сўмга етди ёки бу 1 миллиард 424,1 миллион сўмга кўп демакдир. Ушбу кредитларнинг 93 фоизи узоқ муддатларга ва 7 фоизи қисқа муддатларга ажратилган бўлиб, булар ҳисобига 493 та янги иш ўринлари яратилиб, 469 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектларининг имтиёзли кредитларга бўлган талабини қондириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк

лантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмай, оила фаровонлигини таъминлашда ҳам ўзига хос ўринга эга, дейди бошқарма бошлиғи Азамат Аезов. — Оила фаровонлигининг манбаи бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Энди ҳар бир оила кичик бизнесга асосланган оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиши учун барча имкониятлар эшиги кенг очилди. Ана шундай тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 751 та оилага жами 643,8 миллион сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 67 та ёш оилага 169,7 миллион сўм микрокредитлар ажратилди. Бу маблағлар ёш оилаларнинг бемалол оёққа туриб олишида ва оиланинг пойдевори мустаҳкамлашида аҳамияти бекиёсдир.

161 фоизга ўсди



рини сотиб олиш учун 1 миллиард 314 миллион сўмлик қарз берилди.

«Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги сотиб олинган техникадан фақат ўз ерларидаги ишларда фойдаланибгина қолмай, балки қўшни фермер хўжалиқларининг ҳам галла ўримида кўмаклашаётти. Бу эса табиийки, фермер хўжалиги даромади янада ошишига олиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Агроташсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари ҳамда «Қишлоқхўжалиқкимё» тизимидаги 54 та корхоналарга кредитлар ажратиш, уларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича 4 миллиард 181,3 миллион сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди.

Иқтисодиёт ривожланишига муносиб улуш қўшиб келаётган кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ўтган йилнинг 6 ойи давомида 1 миллиард 253,9 миллион сўм миқдоридики кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг ана шу

тизимда фойданинг 25 фоизини ажратган ҳолда имтиёзли кредитлаш жамғармаси доимий равишда шакллантириб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят бошқармаси Банк жараёнлари бўлими ва Ғиждувон бўлими ҳузурида ташкил этилган Европа Тиклашиш ва Тараққиёт Банки бўлими томонидан кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун йил бошидан буён 23 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, унинг суммаси 204,8 миллион сўмни ташкил этади.

Чунинчи, бошқарманинг банк жараёнлари бўлими мижози «Бухоро темир бетон» масъулияти чекланган жамиятига асбест шифер ишлаб чиқарадиган ускуна сотиб олиш учун 5 йил муддатга 222 миллион сўм қарз берилди. Яна бир мижоз «Севинч чашмаси» масъулияти чекланган жамиятига яхна ичимликлар ишлаб чиқариш мақсадида ускуна сотиб олиш учун 3 йил муддатга 50 миллион сўм кредит ажратилди.

— Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож-

Давр ўзгаришлари билан ҳамоҳанг равишда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам тора мукамаллашиб бормоқда. «Ўзбекистон Республикасида 2007-2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айтиш учун соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга туртки бўлди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш, сервисни ривожлантириш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш учун банк бўлимлари томонидан «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 67,7 миллион сўм қарз берилди.

Умуман, аҳоли ўртасида банк хизматини янада кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам ижобий самара бермоқда. Буни аҳолига тақлиф этилаётган омонат турларига уларнинг қизиқиши ортаётганидан ҳам билиш мумкин. (h)

Фуллом ЮСУПОВ,  
«Ishonch» муҳбири

**Ҳали ишламоқчиман**

20 йил кутубхона мудирини сифатида ишладим. Ёшга доир пенсияга чиққанимдан сўнг ҳам фаолиятимни давом эттирмакчиман. Бундай ҳолда пенсиямни тўлиқ миқдорда олишим мумкинми? Бундай ҳуқуққа қайси соҳа эгалари ҳақли? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз. **Озода НОРМАТОВА, Наманган вилояти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 17 мартдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган «Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби» (1999 йил 16 майда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида №748 билан рўйхатга олинган)да бу ҳақда батафсил тўхталинган. Фармонда ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган аёлларнинг 1999 йил 1 июлда пенсияларни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақланиб қолиши белгиланган.

Кўрсатилган мутахассисликлар меҳнат фаолиятининг қуйидаги лавозимларда ишлаганда амалга оширилишини кўзда тутганда:

ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари (корхоналарнинг бўйсунушидан қатъий назар):

- тиббий регистратор, дезинфектор;
  - барча турдаги тиббий ҳамширалар, «Меҳрибонлик» уйи тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушерка), бўйсунушидан (қатъий назар) лаборант, рентгенолаборант, инструктор, тиббий статистик, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим;
  - операцион тиббий ҳамшира, тиббий ҳамшира-анестезист, туғруқ уйи (бўлим)нинг дояси;
  - санитар-шифокор, эпидемиолог-шифокор, паразитолог-шифокорларнинг ва энтомологнинг ёрдамчилари;
  - катта: тиббий ҳамшира, фельдшер, доя, ФАПнинг фельдшер ва дояси, тез ёрдам подстанциясининг фельдшери;
  - ҳамшира иши мутахассиси;
  - санитарка, энага, энага-санитарка, овқатлантирувчи;
  - беморларга қаровчи кичик тиббий ҳамшира;
  - хўжалик бекаси ва бошқа ўрта ва кичик тиббий ходим лавозимлари;
- Провизор:
- барча турдаги муассасалар (корхоналар) провизорлари;
  - «Меҳрибонлик» уйлари ва ногирон болалар интернат уйлари:
  - кўрсатилган уйлардаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;
  - Кутубхоначи:
  - бош кутубхоначи, етакчи кутубхоначи, кутубхоначи, бош библиограф, етакчи библиограф, библиограф.

**Стажим кам экан?!**

Пенсияга чиққанимдан кейин ҳам провизор сифатида ишимни давом эттира бошладим. Бироқ пенсиямни тўлиқ ололмаяман. Сабабини сўраганимда, стажимнинг камлигини рўқач қилишди. Бу тўғрими? **Салима АШУРОВА, Тошкент вилояти**

Юқорида биз сўз юритган тартибга назар солсак, бу саволга ҳам керакли жавоб топиш мумкин. Кўрсатилган мутахассислиги бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги ушбу тартибнинг 2-бандида келтирилган барча лавозимлардаги иш даврларини ҳисобга олиб аниқланади.

Бунда, аёл пенсияга чиқиш олдидан фармонда кўзда тутилмаган ишларда ишлаган бўлиб, аммо ушбу тартибнинг 2-бандида келтирилган лавозимлардаги талаб қилинган 10 йиллик иш стажига эга бўлса ва фармонда кўзда тутилган мутахассисликлардан бири бўйича ишни давом эттираётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Мисол. Аёл 30 йиллик иш стажига эга. Пенсияга чиқиш олдидан фармонда кўзда тутилмаган болалар боғчасининг тарбиячиси мутахассислиги бўйича ишлаган. Пенсияга чиққандан кейин аёл санитарка сифатида ишни давом эттирмакда.

«Меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатларда қуйидаги ёзувлар мавжуд:

- 1) 1965 йилдан 1971 йилгача (6 йил) — поликлиникада тиббий регистратор;
  - 2) 1972 йилдан 1979 йилгача (7 йил) — боғчада тарбиячи;
  - 3) 1980 йилдан 1984 йилгача (4 йил) — санитар-шифокорнинг ёрдамчиси;
  - 4) 1985 йилдан 1992 йилгача (7 йил) — «Меҳрибонлик» уйида тарбиячи;
  - 5) 1993 йилдан 1999 йилгача (6 йил) — боғчада тарбиячи.
- Бунда аёлнинг ёшга доир пенсияга чиқиш олдидан талаб қилинган иш стажини қуйидаги даврларни қўшган ҳолда аниқланади:

1965 - 1971 йиллар — 6 йил — тиббий регистратор;  
1980 - 1984 йиллар — 4 йил — санитар-шифокорнинг ёрдамчиси;  
1985 - 1992 йиллар — 7 йил — «Меҳрибонлик» уйининг тарбиячиси. Боғча тарбиячиси сифатидаги қолган иш даврлари 10 йиллик муддатда инobatга олинмайди, чунки улар фармонда кўзда тутилмаган.

Шундай қилиб, пенсияга чиқиш кунига талаб қилинган стажнинг давомийлиги 17 йилни ташкил этади. Бу аёл пенсионер бўлиб санитарка сифатида ишлаётганлиги учун, унга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Пенсияга чиққандан кейин фармонда кўзда тутилмаган мутахассисликлари бўйича ишни давом эттираётган аёлларга, пенсия умумий асосларда тўланади. Мисол. Пенсияга чиқишдан олдин аёл 22 йил мобайнида касалхонада ҳамшира лавозимида ишлаб келган. Пенсияга чиққандан кейин у шу касалхонанинг ошхонасида ишчи вазифасида ишни давом эттирмакда. Бу ҳолда пенсия тўлиқ миқдорда тўланмайди, чунки у фармонда кўзда тутилган мутахассислик бўйича ишни давом эттирмапти. Агар у ишни санитарка сифатида давом эттирса, пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

**Ернинг эгаси бор**

Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, «Ер ва ердан фойдаланишга оид қонунлар ҳамда шунга доир ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан мунтазам равишда прокурорлик назорати тадбирлари ўтказилаётир.

Айтиб ўтиш жоизки, қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, иш жараёнида бўртиб турган қусурлар ҳам борки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, «Ердан фойдаланишга оид» қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар давомида шундай жиддий ҳолатлар кузатилди.

Масалан, Оқдарё туман (собик) Абдулла Қодирий ширкат хўжалиги бошқаруви раиси У.Уроқов, бош иқтисодчи Б.Соатов, ер тузувчи О. Довудовлар фермер хўжаликлари ташкил этилиши арафасида ўзаро тил бириктириб, қинғир ишга қўл уришган. Яъни улар томонидан собиқ ширкат хўжалигига қарашли 4 гектар суғориладиган ер янги ташкил этилган «Қут-баракат Темури» фермер хўжалигига ажратилди қабилда ҳужжатлаштирилган. Мазкур хўжаликка эса амалда камроқ майдон ўлчаб берилган. Натихада унга 9 миллион 607 минг сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Тойлоқ туманидаги «Зебинисо—Зарафшон» фермер хўжалиги раҳбари У.Остонов ҳам хурмача қилиги билан барчани ҳайрон қолдирди. У 50 йил муддатга ижарага фермер хўжалиги юритиш учун ажратилган 30,4 гектар ернинг 27,5 гектарини туман ҳокимининг қарорисиз қариндош-уруғлари ва танишларига бўлиб берган. Оқибатда, 2008 йил ҳисоли учун экинларни жойлаштириш режасида белгиланган 14 гектар галла, 13,5 гектар сабзавот экинлари экилмасдан қолиб, давлатга 12 миллион сўмлик зарар етказилган.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, юқоридаги ҳолатлар бўйича Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноят иши кўзгатилади.

Ҳар йили белгиланадиган ҳосил кўлами шартномавий режа тақсимо-тидан келиб чиқади. Шундай бўлишига қарамасдан, айрим фермерлар пахта, полиз маҳсулотлари ўрнига ўз шахсий манфаатлари учун мўлжалланган бошқа экинлар экатгани сир эмас. Мисол учун, Каттақўрғон тумани «Таянч» ММТП ҳудудидаги «Ақром Абдуллаев», «Мотосервер ТМА» ММТП атрофида ташкил этилган «Тоғаймурод» фермер хўжаликлари раҳбарлари пахта чигити қадаладиган серунум ерларнинг бир қисмига пиёз, маккажўхори ва бошқа экинлар экиб, ердан ўз мақсадлари йўлида фойдаланган. Шунингдек, бундай ҳолатлар «Хумоюн», «Ерқинбек Абдукаримов», «Тўлқин», «Худойқул ота», «Омонтош ота» каби фермер хўжаликларида ҳам кузатилди.

Ушбу ноқонуний ишлар юзасидан фермер хўжаликлари раисларига нисбатан МЖТКнинг 65-моддасига тўғрисида ишлар кўзгатилади.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текширишлар жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бора-сида жойларда тегишли идораларга 45 та тақдимномалар киритилиб, 245 нафар шахс интизомий, 65 киши маъмурий ва 5 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши кўзгатилади.

**Облоқул АЗИМОВ, Самарқанд вилояти прокурорининг 1-ўринбосари**

**Битимлар қонуний тузилиши лозим**

Фуқаролар ўртасида тузилган битимлар Фуқаролик кодекси ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Мазкур битимлар бўйича келиб чиққан низоларни ҳал этишда юқоридаги қонун ҳужжатлари билан бирга Ўзбекистон Олий суди пленумининг қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Суд амалиётида фуқаролар ўртасидаги битимларга оид низолар кўриб чиқилиб, адолатли ҳал қилинаётир. Бир мисол. Даъвогар Р.нинг жавобгар А.ни уй-жойдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризаси ва жавобгарнинг даъвогарга нисбатан олди-сотди шартномасини

бекор қилиш, уй-жойдан чиқариш ҳақидаги қарши даъвоси бўйича биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қарши даъво қаноатлантирилган. Бу иш фуқаролик ишлари бўйича Олий суд апелляция инстанциясида кўрилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳолатларига кўра, низоли уй мерос гувоҳномаси асосида даъвогар Р.га тегишли бўлиб, у шу ерда оиласи билан яшаб келган. Даъвогар ва унинг турмуш ўртоғи жавобгар А.дан қайтариб бериш шarti билан 1.500.000 сўм пулни қарзга олиб, ушбу қарзни вақтида қайтармаса уйни қарз эва-

зига бериш ҳақида тилхат ёзиб берган.

Қарз мажбуриятини вақтида бажармаганлиги сабабли даъвогар ва жавобгар ўртасида низоли уйнинг олди-сотди шартномаси тузилган. Аммо мазкур муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган. Фуқаролар олди-сотди шартномаларини тузишда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қилиши ва сотиладиган ёки сотиб олинмаган мол-мулкнинг ҳақиқий қийматини кўрсатиши зарур.

**Фирдавс УМАРОВ, СамДУ талабаси**

**Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда қайси манбаларга таянилади? У.МУСУРМОНОВ, Сурхондарё вилояти**

Қуйидагилар оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тўлашни маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади:

- республика бюджети маблағлари;
- маҳаллий (вилоят, шаҳар ва туманлар) бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари турли манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар). Мазкур маблағлар қўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органларининг жамғарма банкнинг тегишли муассасаларидаги маҳсус ҳисобларига ўтказилади ва олиб қўйилмайди.

**Кам таъминланган оиллага бериладиган моддий ёрдамдан солиқ олинадими? А.УМАРОВ, Қашқадарё вилояти**

Йўқ. Кам таъминланган оиллага бериладиган моддий ёрдамдан солиқ олинмайди.

**Донолар бемилки...**

**Куч — адолатда. Адоват эмас — адолат ютади. Амир ТЕМУР**

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашда қандай қоидаларга асосланади?**

**М.ЭРГАШЕВ, Фаргона вилояти**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган оилаларни аниқлашда ва уларга моддий ёрдам тайинлашда қуйидаги асосий қоидалар: ижтимоий адолатга сўзсиз қатъий риоя қилиш; кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг адресли бўлишини, ҳақиқатан муҳтож оилаларга берилишини таъминлаш; оилалар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига боқиманда-ларча ёндашишга йўл қўймаслик; оила аъзоларининг, айниқса болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-хунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратишга амал қилиши керак.



ОЗБЕКИСТОН

5.55 Курстангулар дастури. 18.30 «Мушкетер хазина». 18.50 «Набобот олами».

17.00 «Ветра Тера Ландура» 17.30 «Премьер-лига» (9:30) 18.00 «Узбек хазина».

18.10 «Навоий» /Т.с. 18.30 «Мушкетер хазина» 18.50 «Набобот олами».

13.55 В дни летних каникул: «Снежная пасторка» /П/Е МБЕРА.

12.30 «КВН». Премьер-лига 13.55 «Стежка на стену» МБЕРА.

10.45 Мультифильм. 11.00 Мультифильм. 11.15 Мультифильм.

ТОШКЕНТ

11.00 «Авфоро» 11.10 «Хайт синовлар» /Т.с. 11.50 «Авфоро» /инглиз/.

4.00 Телеканал «Доброе утро» 8.00 «Новости» 8.05 «Телеканал «Доброе утро».

5.00 Информационный канал СЕГОДНЯ УТРОМ. 7.05 «Сериал БУЛЬЖАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ».

13.55 В дни летних каникул: «Снежная пасторка» /П/Е МБЕРА.

12.30 «КВН». Премьер-лига 13.55 «Стежка на стену» МБЕРА.

10.45 Мультифильм. 11.00 Мультифильм. 11.15 Мультифильм.

РОССИЯ

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

4.00 «Доброе утро, Россия!» 7.55 «Добкое утро Советов» 8.50 Александр Готин, Алек- сандр Цуркан.

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».

07.00 Узбек навоилари 08.00 Сериал «Жасога ухша».





Ватансиз толе, келажак бўлмас. Таассуфки, бүгунги кунда айрим кишилар шахсий манфаатлар илинжида жаннатий ҳаётни орзу қилиб ватанини тарк этмоқда, сароб орзулар уларни хору зор қилмоқда. Шундай ҳавойи истакда юрганлар одамфурушларнинг тузоғига осонгина илинапти. Улар чет элдан «ёғли» иш, мўмай даромад ваъда қиладилар, барча харажатларини ёнларидан тўлайдилар. Одамлар ширин ёлгонларнинг қулига айланганини пайқамай қолишади.

алдаш давом этмоқда. Ҳавойи ўспиринлар, ёш қизлар чет элга чиқиб ишлаш, жон қойимасдан мўмай даромад топиш орзуси билан яшамоқда. Токи, биз юртдошларимизга бепарқ бўлар эканмиз, одамфурушларнинг қурбонлари кун сайин кўпаяверади.

Яқинда ИИВ академиясида одамлардан фойдаланиш учун ёллаш билан боғлиқ ва одоб-ахлоқ до-

Бугунги кунда дунёда глобал муаммога айланган одам савдоси жиноятчилик оламининг йирик халқаро бизнесига айланиб бораётди. БМТ маълумотларига кўра, биргина аёлларнинг товар сифатидаги дунёвий савдо қўлами йилига 12 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Ҳар йили одам савдогарлари қўлига 2 млн.тагача «товар» тушади. Уларнинг катта қисмини жинсий эксплуатация мақсадида чет элга олиб чиқилган аёллар ташкил этади.

Бўқалик Азиза, жиззахлик Насиба, қаршилик Дилноза, қўқонлик Нодира, ангрелик Олеся ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жинсий гуруҳ аъзоларининг қармоғига илинишди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси (ҲООББ) ходимларининг маълумотига кўра, бундан икки ой бурун тўрт киши — уч йигит ва бир аёлдан иборат жинсий гуруҳ қўлга олинди. Улар Ўзбекистон фуқароларини алдаб Қозоғистондаги ҳамтовокларига сотиш билан шуғулланган. Ҳар бир «товар» учун 30 минг тенге пул олишган.

Азизанинг айтишича, дугонаси Насиба иккаласи Тошкентда жинсий гуруҳ аъзолари Ҳабиба ва Рустам билан танишган қоладилар. Улар қизларни Келесга ўрдак шўрва ичгани олиб боради. Яхшигина овқатланишади, аммо қизлар бирин-кетин хушдан кета бошлади. Чунки уларнинг ичимлигига психотроп модда қўшилган эди. Қизлар кўзларини очиб қарашса, Рустам нотаниш йигитлар билан савдолашаётган экан. Савдо Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида бўлаётган эди. Улар чегарани айланма йўллар орқали ноқонуний кесиб ўтишган эди. Бироздан сўнг Рустам уларни ўша йигитларнинг қўлига топширади. Қизларнинг дод-фарёдини ҳеч ким эшитмайди. Уларни қарвонсаройга ўхшаш жойга олиб боришади. У ерда улар ўзларига ўхшаш яна йигирма чоғли турли миллатга мансуб қизлар билан тинимсиз келадиган меҳмонларга «хизмат қилиши» лозим эди...

Яқинда Россия телеканалларидан бирининг хабар беришича, Москва вилояти Раменский туманида яна бир жинсий гуруҳ қўлга олинган. Ўзбекистоннинг 50 га яқин фуқароси узоқ вақтдан буён

шу ерда сақланаётган экан. Уларнинг паспортлари тортиб олиниб, базадан ташқарига чиқиши қатъий тақиқланган. Тутқундагилар озиқ-овқат омборининг ертўзасида яшашга мажбур этилган, 12-14 соатдан ишлаган, аммо мутлақо маош берилмаган. Улар тинимсиз калтаклаб турилган, аёллар эса таҳқирланган, зўрланган. Хабарда айтилишича, жинсий гуруҳ устидан жиноят иши кўзгатишган.

Телеахборотда фарғоналик, андижонлик, наманганлик юртдошларимизнинг номлари бирма-бир тилга олинди. Номус юки биз тингловчиларнинг-да қаддини дол қилди, тоғни урса талқон қиладиган ўттиз-қирқ ёшли давонгирдай йигитларнинг, фарзандларини бировларнинг қўлига ташлаб кетиб хўрланган аёлларимизнинг қилмиши бизни уялтирди.

Бундай нохуш хабарларни эшитган кўшрабботлик Шоди бобо чидаб туролмади:

— Ҳайф-е ўшаларга, ишлайман деса кишлоқда иш камми? Бели салгина меҳнатга қайишган одам бой бўлаяпти-ку. Буларнинг бари дангаса, ишэкмас. Борларимиз айтишарди, барака узоқдаги донда эмас, яқиндаги сомонда деб. Ахир пулни сен топсан, пул ҳали ҳеч кимни излаб топган эмас. Ўзга юртнинг патиридан ўз элинининг кўмачи яхши.

— Одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг алдаш усуллари турлича, — дейди ИИВ ҲООББ бўлим бошлиғи, подполковник Алтинбек Акимов. — Масалан, ёлловчилар уларнинг хужжатларини ривожланган мамлакатларда ўқиш ва малака ошириш учун деб расмийлаштирадилар, бу ҳақда қалбаки хужжатлар тўплашади. У давлатда эса аслида ҳеч қанақа ўқув курслари бўлмайди: чегарадан ўтиши билан хужжатлари олиб қўйилади ва даромад топиш мақсадида эксплуатация қилинади. Худди шундай Раменский туманида яна бир жинсий гуруҳ қўлга олинган. Ўзбекистоннинг 50 га яқин фуқароси узоқ вақтдан буён

қонуний тарзда ўтганларидан сўнг тагин ўша усул танланади. Шахсини тасдиқловчи хужжатлари бўлмаган, белгиланган давлатлардаги элчихона ва консулликларда рўйхатдан ўтмаган, доимий равишда назорат остида турган аёллар уларни ушбу давлатга олиб келиш учун сарфланган барча харажатларни фоҳишалик қилиб қоплашга мажбур бўладилар. Ёхуд савдо-сотик учун чет эл сафарига чиқадиган аёллар ҳам одам савдоси жабрланувчисига айланиб қолиши хавфи бор.

Тезкор гуруҳ Тошкент аэропортида Людмила Пакни далилий ашёлар билан қўлга олди. У Бектемир тумани Сувсоз даҳасида яшовчи вояга етмаган Алфия Зарифуллина ҳамда Қўйлиқда истиқомат қилувчи Оля Кимни Россиянинг Хабаровск шаҳрига алдов йўли билан фоҳишалик учун юборётган экан. Дастлабки суриштирувлардан маълум бўлдики, Людмила Пак бундан аввал ҳам шу иш билан шуғулланган ва мўмайгина даромад олган.

Сурайё Насриддинова ҳам одамфурушлардан. У Сирдарё вилояти Оқолтин туманида яшовчи йигирма ёшли Ойсулуга чет элдан иш ваъда қилди. Ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Ойсулуга Дубайга келиб ичиди Сурайёга опасига тасаннолар айтди. Шаҳарда уни кутиб олган киши эса Ойсулуга учун Сурайёга 3 минг доллар тўлаганини, энди у ўзининг оқсочига айланганини айтганида дод солиб йиғлади. Аммо осмон йироқ, ер қаттиқ эди. У уч йил ҳақорат ва калтак зарбига чидади, очликка, юпунликка кўниқди, аммо ватан соғинчига бардош бера олмади. Дубайдаги меҳмонхоналарнинг бирида Ойсулуганинг жони узилди. Ўн гулдандан бир гули очилмаган Ойсулугадан бу дунёда ҳеч нарса қолмади. Тани совуған ўзбек қизининг ёстиғи остидан ҳасрат ва қайғу-аман билан битилган бир донда кундалик чиқди, холос... Унинг ичиде эса титилиб кетган Ўзбекистон харитаси бор эди.

Афсуски, хануз ёшларни

ирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари иш-тироқида ўтказилган семинарда шу ҳақда гап борди. Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, жамоатчилик вакиллари қатнашган бу анжуманда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

...Матназар бобо кексайганида фарзанд кўрди. Уни еру кўкка ишонмай катта қилди. Емай едирди, ичмай ичирди. Мактабни битирган ўғли ўртоқлари билан чет элга чиқишни ихтиёр этганида Матназар бобо ёлғиз ўғлига ялиниб-ёлворди, «қўй, чет элнинг боғу богчасидан ўзимизнинг янтоғимиз афзал», — деди. Аммо ўғил кўнмади, Россиядан машина олиб келиб сизни сажат қилдиранман, деди. Онасининг нолишлари ҳам ҳавода қолди.

Орадан олти ой ўтмасдан узоқ юртдан иккита мурда келди. Улардан бири Матназар бобонинг ёлғиз ўғли эди. Онаси бу хабарни эшитибок жон берди. Она-боланинг худойиси кучи эл-юрт Матназар бобони ҳам тупроққа топширди.

Бус-бутун оила одамфурушликнинг қурбонига айланди. Энди айтинг-чи, одамфурушликнинг ватанфурушликдан нима фарқи бор? Ахир ёшларни чет элликларга сотаётганлар кимлар? Бегоналарми? Йўқ, улар сизу биз билан ёнма-ён, девор-дармиён яшайди, ўзбекча гапиради, тўй-маъракаларда ёнингизда туришади. Аввал сирингизни, бора-бора ўғил-қизингизни ўғирлашади.

Тузоқдан бир марта кўрққан қуш қирқ йилгача айри ёғочга кўнмайди дейдилар. Фарзандларимизга қўйилган тузоқлар бизнинг ҳам кўзимизни очиши керак! Улар ўз юртимизда ўқиши, қонунларимизни чуқур билиши, ҳақ-ҳуқуқларини англаши ва пировардида ватанга, аждодларига муносиб ворис бўлиб етишишлари шарт!

Даврон ФАРМОНОВ

## Қалтабинлик

Салима мўъжаз оила бекаси эди. Фақат унда ана шу мўътабар даргоҳнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш учун мулоҳаза қиладиган даражада фаросат етишмасди. Акс ҳолда гулдек оиласини барбод қилиб тугилиб ўсган жойидан йироқда улоқиб юрармиди? Аёллик шаънига номуносиб холда босқинчиликни қасб қилиб олганини эса изоҳлашга сўз топиш қийин. Суднинг қора курсисиде ўтирган, ёшликнинг гўзал онларини елга совурган, 25 ёшли Салиманинг умр дафтарида «босқинчи» деган тамга босилди.

Халқимизда дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман, деган нақл бор. Салиманинг атрофида ўзига ўхшаб энгил фикрлайдиган тўрт-бешта ўсмир бирлашган эди. Тўда аъзолари даставвал қандай қилиб пул топиш ҳақида маслаҳатлашдилар. Ҳар ким ўз таклифини билдирди. Охири талончилик қилиш тўғрисидаги фикр ҳаммага маъқул келди. Яқин атрофда қурилиши кетаётган корхонадан арматура ўғирлашни режалаштиришди...

Бир ойдирки, Абдулла бошчилигидаги 5 нафар йигит Чилонзор туманида барпо этилаётган корхонанинг атрофига девор қуришарди. Ўша кунни йигитларнинг уч нафари уйдан хабар олиш учун Қўқонга кетишди. Шу ернинг ўзида ётиб ишлаётган Абдулла билан Сарвар ҳаво яхши бўлгани учун ўша кунни ташқарида ухлашга қарор қилишди...

Мўлжалланган манзилга етиб келган Салима, Шерали, Маҳмуд, Шўхрат ва Хуршид ярим кўтарилган девордан осонгина ҳовлига киришди. Дарахт тагида ухлаб ётган йигитларни кўриб тўғри уларнинг олдида бордилар. Шерали илкис йигитларнинг устидаги кўрпани олиб ташлади-да:

— Ҳой уйқучилар, қани бир танишиб олайлик-чи, — деди киноямуз. Унинг бу қилигидан шериклари хоҳолаб кулишди.

Уйқуси тарқаманган, нима бўлаётганини тушуниб етмаган Абдулла:

— Кимсизлар? — дея сўради.

— Ҳозир танишиб оламиз. Аввал бор-будингизни ўз ихтиёрингиз билан қўлимизга топширасизлар, — деди Шерали.

— Бизда ҳеч нарса йўқ.

— Яхшиликни тушунмаганинг ҳолига вой. Энди биздан гина килмайсизлар.

Шерали шундай деб шерикларига имо қилган эди, улар Абдулла билан Сарварни ўртага олиб дўппослай бошлашди. Ногоҳ Шерали дарахт ёнида турган стол устидаги пичоқни олиб Абдулланинг томоғига тиради. Шу тарихда кўриштиб уларнинг ёнидаги пули, кийим-кечаги, уяли телефони, қурилишда ишлатиш учун олиб келинган 50 метр угольник ва қўлга илинган бошқа майда-чўйда нарсаларни олиб кўздан ғойиб бўлишди.

Ҳамтовоклар қўлга қиритилган ўлжани ўзаро тақсимлаб олдилар. Салимага Сарварнинг телефони тегди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймак деганларидек, тез орада Салиманинг кўнгли яна овга чиқишни тусаб қолди. Шериклари ҳам шуни кутиб тургандек дархол рози бўлишди. Бу гал улар астойдил тайёрланиб, темир, арра, омуз билан «қуролланишди». Кинолардагидек юзларига қора никоб кийган босқинчилар навбатдаги манзил — «Энергопроект високоградний» корхонасига йўл олишди. Корхонанинг деворидан ошиб тушган босқинчилар ҳовлида атрофни кузатиб юрган қоровулга ҳужум қилиб, роса дўппослашди. Ҳолдан тойиб йиқилган қоровулни хушдан кетди деб ўйлаб, тезда асосий ишга киришишди. Ҳовлидаги минорали краннинг 2.765.437 сўмлик кабелини кесиб олишди. Бу орада сал ўзига келган қоровул ўрнидан турди-да, атрофдагиларни ёрдамга чақирди. Қўшни корхона ва бинодаги кишилар шовқин-суронни эшитиб, шу томонга югуриб кела бошлашди. Бундан саросимага тушган босқинчилар тайёр ўлжани ҳам ташлаб қочдилар.

Тезкор суриштирувлар натижасида жинсий гуруҳнинг барча аъзолари ушланиб, қилмишига яраша жазосини олди.

Ўзгалар ҳисобига яшаш илинжи ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Буни Салима ва шериклари вақтида англаб етганида бундай аянчли холга тушмасмиди?

Нозим АБДУРАШИДОВ,  
Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси  
Ҳидоят ЖУРАЕВА,  
«Ishonch» муҳбири

Маъсума АХМЕДОВА

## Тожи опанинг

Ҳикоя

## туғуни

— Кўйсангиз-чи Тожи опанинг туғунини, — синглим жahl билан кўлимдаги туғунни юлқиб олди.

Беихтиёр кўлдим. Шунда кўз ўнгимда олис болалик жонланди. Синглимга ҳозир хаёлимдан кечганларни сўйлаб бермокчи бўлдим...

Кечаси билан ёққан қор тонга яқин тинди, чошгоҳга бориб аста-аста эрий бошлади. Ер пилч-пилч лой бўлди. Ўтинхонада оловкуракка майда кўмир соларканман, бирдан дарвоза олдида кирайми-кирмайми деган истиҳолада турган жиккаккина кампирга кўзим тушди. Бошида эски шолрўмол, эгнида бир неча жойига ямоқ тушган қора мурсак, оёқларида лойга ботган маҳси-калиш. Кўлтигида мўъжазгина туғун.

Мен уни танидим. Уй томон овоз бердим.

— Ойи, қаранг, Тожи опа!

Эшик очилди. Уйдан оғим шошиб чиқиб келди, орқасидан дадамнинг юзи кўринди.

— Э, келинг, Тожи опа! — Келавермайсизми, опа!

Тожи опа илдам қадамлар билан уй томон юрди. Уйга югурдим. Оғим оловкуракни аста олиб, кўмирни танчага тўқаркан, мулозамат қилди:

— Қани, Тожи опа, кўрпачага ўтинг.

Тожи опа ийманибгина танча четдаги ялангқават кўрпачага ўтирди. Туғунини ёнига қўйди. Бош ирғаб, димогида минғирлади, сўрашган бўлди. Дадам Тожи опага қарамай, бошини ирғади, гўё шу билан унинг сўрашишларини қабул қилди. Дастурхон ёзишга чоғланган оғимга юзланди:

— Энди ёмни кўкламгача амалламасак бўлмайди. Хашакнинг ҳам таги кўришиб қолибди.

Шу билан Тожи опа эсдан чиқди, оғим ўрнидан туриб, ошхона томонга кетди.

Пича вақтдан сўнг катта сопол лалида ҳовури кўтарилиб турган иссиққина мошкичири кўтариб келди, дадам манзират қилди:

— Олинг, Тожи опа, совумасин.

Тожи опа бош ирғади. — Олинглар, олаверинглар, — деди шошиб.

Овқат еб бўлинди. Дадам қаёқадир чиқиб кетди. Оғим Тожи опа билан уёқбуёқдан гаплашмоққа тутинди.

— Кун кўрмагур олмослик, яна хунар кўрсатаяптими?!

«Олмослик» — Тожи опанинг укасининг хотини. Тожи опанинг келини билан мурасаси келишмай турарди. Шу боисми, кўнгли тортган уруғлариникида уч-тўрт кунлаб ётиб

юрарди.

Кампир бошини кўтармай бир нималар деди, чамаси, келинидан шикоят қилди.

— Қирқинда кетгур, жўна дедими-я! Инингиз ҳам бўлган экан, бир хотинни эплаёлмаса. Тавба, шунчалик елкасига миндириб кўядими? Айтмайдими, бу менинг эгачим-ку, қаёққа борсанг боравер деб.

— Ўзи бошда мени худо қаргаган, куним кун бўлмаган, — Тожи опа тез-тез шундай деди.

— Тожи опа, кўпам куюнаверманг, мана уй, мана жой. Хоҳлаганча тураверинг. Кет деган жойимиз йўқ, — оғим шундай деб мавзунни бошқа томонга буриб юборди.

Тожи опа бош ирғаб ўтирди. Кўзлари юмилиб-юмилиб кетди. Ниҳоят оғим ўрнидан кўзгалди. Танча четига Тожи опага жой солиб берди. У атрофига алангладди, ёнидаги туғунчани олди-да, ёстиқ остига қўйди.

Синглим бунга кўриб пиқ этиб кулди. Ўринга киргач, шивирлади:

— Опа, туғунчасида нима бор экан-а?

— Билмасам...

— Оғим чиқиб кетса, секин кўрмаймизми? — деди синглим. — Тожи опа аллақачон ухлаб қолгандир?

— Жиннимисан, бошининг тагида-ку! Уйғониб кетса-чи!

Орадан қанча вақт ўтди, билмайман, гўнғир-гўнғир овозлардан уйғониб кетдим.

— Ёмон гапирма, уям худонинг бандаси, — дерди дадам. — Тагин ҳам одам бўлиб юрибди. Унинг кўрган кунига фил ҳам чидай олмасди.

— Қирчинингдан қийилгур, Маҳмуд, — оғим одатича қарғаб гапирди. — Бир манжалақини деб худонинг олдида никоҳ қилиб олган хотинингга шунча азоб бера-санми... Ох, фарзанд доғи... Отаси, худонинг ўзи кечирсину, баъзида дунёнинг ишларига хафа бўлиб кетаман-да. Ё, Яратган эгам, банданнинг қилаётган ишларига бир қара дегим келади. Маҳмуд ўлгур Тожи опага шунча қилган рўзғоридан нина ҳам бермади. Тўқлидай икки ўғил уёқдан-буёққа сарсон, хор-зор бўлиб, касалга чалиниб, ўлиб кетди. Бу бечора сарсон саргардон, юракбағри куйиб, адо бўлди. Шунча хор қилганига, худойим, энди унияш шундоқ хор қилгани, токи қилмишларига пушаймон бўлсин. Яна ўша номардга, ўша ман-

жалақига кўша-кўша фарзанд берганига куяман-да.

— Кўй, худога шак келтирма. Унгаям атаб кўйгани бордир.

\*\*\*

Ҳаво илиқ бўлди. Чарақлаб офтоб чиқди, қорлар эриб битди.

Тожи опа бизникида шу турганча туриб қолди. Онам эски кўрпа-тўшакларнинг авра-астарини сўжиб, ювди. Тожи опа эса кун мўлроқ тушиб иситган пешайвонда ўтириб олганча ёстиқларнинг жунини титди. Икки савағич таёқ билан жун савади. Савағич «шув-в, шув-в» этиб овоз чиқарди. Тожи опанинг кўллари бир нафас тўхтамади, тиним билмади.

— Ҳай-й! — шу топ кулоғимга савағичлар овозига монанд нидо эшитилгандай бўлди.

Дарров Тожи опага қарадим. Йўқ, унинг лаблари қаттиқ қимтилган, бутун эътибори қилаётган ишига жамланган эди.

Бир пайт савағичлар шувиллашдан тўхтади. Тожи опа титилган жунларни ёстиққа тиқа бошлади. Жойлаб бўлган, ёстиқ чеккасини нина билан тикишга киришди. «Қам-м-м...» деб димогида ниманидир хиргойи қилди. Ниманидир деганининг боиси, унинг хиргойиси на куйга, на кўшиққа ўхшади.

Синглим, Тожи опанинг ўша хиргойиси сенинг ҳам кулоғингга чалинганми? Фалати эди-я? Ҳозирга довур кулоғим остидан кетмайди.

— Опа, опа, — бир маҳал синглим мени аста чақирди, ичкари уйга имлади.

Уйга кирдим. Синглим тахмонни очди-да, бурчакча тикилган туғунчани олди. Кўрқа-писа деразадан айвонга қарадим. Тожи опа ҳамон хиргойи қилганича иш билан банд эди.

— Тез-тез бўл! — деб синглимни шоширдим.

У шоша-пиша туғунчани очди. Туғун ичида дока рўмол, кўйлак, тагида эса жиякларни уринган боладўппи, дўппи тепасига бир тутам купар чашиб қўйилган. Яна шарбатданми, сўлақданми қотиб доғ-дуғ бўлиб қолган болалар кўйлақчаси, кейин сарғайиб, ранги ўнгиб кетган иштонча. Тожи опанинг ҳеч кимга ишонмай эъозлаган бойлиги шугина экан.

Ҳафсаламиз пир бўлди. — Э! — синглим энсаси қотиб, қўл силтади.

Мен туғунни қайта туга бошладим.

— Тўхтанг-тўхтанг! — бирдан синглим кўлимни ушлади. Кўзлари айёрона чақнади. — Опа, ўрнига бошқа нарса солиб қўймаймизми? Қани, билармикан, билмасмикан?

— Бор-э, нима кераги бор!

— Келинг, солиб кўрайлик. Қизиқ-да.

Синглим югуриб бориб эски рўмол, яна аллақандай латта-путталарни топиб келди. Туғун остидаги бола кийимларини олиб, ўрнига бояги нарсаларни қўйди.

— Ана энди туғинг, — энди мен ҳам нима бўларкан деган қизиқишда туғунни ўхшатиб тугдим.

Шу кун Тожи опа оғим билан бирга анча-мунча иш қилди. Кайфияти яхши, бошидан ўтган бахтиёр кунларидан, раҳматли бўлиб кетган онаси-ю, холаларидан сўзлади. Онда-сонда оғим ҳам гап қўшиб турди, хангома қилаётганлари қизиқ воқеа шекилли, баъзида оғим қотиб-қотиб куларди. Тожи опа фалати овозда «хэ-хэ-э» деб кўярди.

Бирдан уларнинг хангомалари бўлиниб қолди. Кўчадан кимнингдир овози келди:

— Мухиддин ака, ҳо Мухиддин ака!

— Хув! — оғим бошидаги рўмолини қайта танги-ганча дарвоза томон шошилди.

Дарвозада миқтидан келган, ўрта бўйли киши кўринди.

— Янга, бизнинг эгачи шу ердами?

— Ҳа, келинг-келинг, Фанивой! Тожи опа шу ерда.

— Энди, опа, жуда уятдан ўлдирдинг-да одамни, — Тожи опанинг укаси гапирганича айвон томон юрди. — Уйинг йўқми, опа? Ё менинг уйим уй эмасми? Бунақа эмас-да, эл ичида номусга қолдим-ку.

Тожи опанинг укаси гина қила-қила айвонга ҳам етди, таклифни кутмай, кўрпачага ҳам ўтирди. Тожи опа индамай бошини эгиб ўтирарверди.

— Фанивой, келган бўлса, бегона жой эмас-ку. Биз ҳам ёт эмасмиз ахир.

Улар анча баҳс қилдилар. Охири гина-кудуратдан кундалик гапларга ўтишди. Дастурхон ёзилди. Чой ичилди.

Ниҳоят Тожи опа укаси билан кетадиган бўлди. Маҳсисини кийди, шолрўмолини ўради, мурсагини

қоқа-қоқа ичкарига кириб, тахмон томон борди.

Бирдан юрагим безовта урди. Синглим менга ҳадиқ билан қаради.

Мана, Тожи опа тахмондан туғунчасини олди. Одатича, қўлтигига қисди. Негадир яна қўлтигидан олди. Олди-ю ушлаб-ушлаб кўрди. Кейин ерга ўтириб, туғунчани шоша-пиша ечди, ичидаги нарсаларни юлқиб, атрофга сочиб ташлади. Бир нафас туғунчага тикилиб турди-да, бирдан изиллаб йиғлаб юборди. Биз кўрқиб кетдик.

Оғим нима гаплигига дарров тушунди. Бир маҳал юзим тарсақидан ловуллаб кетди. Беихтиёр бетимни қафларим билан яширдим. Синглим эса юзини ушлаганча баралла додлаб юборди.

— Овозингни чиқарма дейман, — оғим синглимни ўйиб олди. — Қиз бўлмай кетинглар, бетамизлар, нима қилдиларинг-а? Қани, топинглар-чи!

Оғимнинг газаби тошгандан-тошди. Синглим кўрқанидан туғундаги нарсаларни бекитиб қўйган жойидан олиб келди.

— Мана, Тожи опа, мана! — оғим кўйлақчаларни унга тутаркан, ялиниб-ёлворди. — Ҳали бола-да, эси йўқ. Айланай, опажон, хафа бўлманг. Ана, ҳозир укангиз ҳам кириб келади. Кўйинг энди, олақолинг... Ҳали мендан кўрадиганини кўради. Хув, ярашагурлар...

Шу-шу, Тожи опа бизникига қайтиб келмади. Оғим уйда мабодо Тожи опадан гап чиқиб қолгудай бўлса, Фанивой элдан уялгандир, олмослик инсофга кириб қолгандир дерди. Назаримда, оғим Тожи опанинг бизникига келмай қўйганидан афсус чекар, бунга ўзини айбдор санарди.

Биз ўшанда ҳар ҳолда уят, андиша нималигини биладиган ёшга кириб қолгандик чоғи. Қачон Тожи опадан гап чиқса, ўзимни кўярга жой тополмай қолардим.

Мана, Тожи опа ҳам аллақачон раҳматли бўлиб кетди. Уни қариндошлар ҳамон ачиниб эслашар, туғун эса пича кулги, ҳазил аралаш тилга олинарди.

Синглим, энди билсам, ўшанда Тожи опа туғунга қўшиб кечмиш шодликларини-ю қувончларини қўлтиқлаб юрган, бугун билан эмас, ўтмиши билан яшаган, уни йўқотиб қўйишдан кўрққан экан. Ё мен адашдимми?



## Мен ёқтирган фан

Адабиёт нима?  
Адабиёт жамият билан бирга бўлган чексиз оламдир. Бола тугилиши билан мана шу дунёга кириб боради. Чунки адабиёт сўз сеҳри, мўъжиза билан ўзига махлиё қилади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртаққа, катталар эса бадииятга қизиқиб қарайди. Бу оламга кириб қолгач, чиқиб кетолмайдилар.

Мақтабга илк бор қадам қўйганимизда ўқитувчимиз бизга алифбе китобини тутқазади. Ундан ўқиш ва ёзишни ўрганамиз. Аста-секин алифбе билан хайрлашиб, ўқиш китобини қўлга оламиз. Бу китобни ўқигач, ўзимиз мустақил фикрлай оладиган бўламиз. Юқори синфга ўтгач, фанлар дурдонаси бўлмиш «Адабиёт» билан танишамиз. Унда катта-катта ёзув-

чи ва шоирларнинг ижодидан бахраманд бўламиз. Бу китоб бизни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Бугунимизни кеча ва эрта билан боғлайди. Адабиёт билан маънавият узвий боғлиқдир. Яъни, маънавиятнинг мағзини адабиёт ташкил қилади. Унинг мавжудлиги эса инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб туради.  
**Гулафзал АРЗИЕВА, Чироқчи тумани**

## Бўлган воқеа



## Вафодор ит

Итнинг вафодор эканлигини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп. Бугунги ҳикоямиз ҳам эгасини ўлимдан сақлаб қолмоқчи бўлган жонивор ҳақида.

Хошимжон ака ўзига тўқ, бадавлат инсонлардан бўлиб, хусусий фирмага бошчилик қилар, қўша-қўша дўкон ва чойхоналари бор эди. Маҳалланинг тўй-тантаналарига доимо бош-қош, эҳтиёжманд оилаларга қўлидан келганча қўмақлашарди. Айниқса, ётиб қолган беморлардан мурувватини асло аямас эди. Шу одам яқинда автохалокат туфайли ҳаётдан кўз юмди.

Фожиа юз берган кун хонадон соҳиби жуда эрта уйғонди. Негадир кўнгли ғаш эди. Кириш-чиқим дафтарини очиб, узоқ вақт алланималарни қоралади. Сўнг умр йўлдошига савдо ишлари юзасидан кимгадир қарз берганлигини айтгач, шовилмай нонушта қилди. Хошимжон ака ҳовлисида катта бир ит боқарди. Уни танишларидан уч-тўрт йил олдин олиб келиб, Олапар дея ном берганди. Ит соҳибига жуда ўрганганди.

Хўжайини хизмат юзасидан уч-тўрт кун бошқа жойга кетганида жуда безовта бўлиб қоларди. Хошимжон ака сумкасини кўтариб ташқарига чиққанида галати воқеа рўй берди. Шундоқ остонада ётган ит хўжайинининг шимидан тишлаб торта бошлади. Хошимжон ака қулиб жониворни силаб-сийпаб йўлида давом этди. Бу сафар жонивор хўжайиннинг кетишига росмана қаршилик кўрсата бошлади. Унинг оёғи тагига қўндаланг ётиб олди. Хошимжон ака шошаётган эди, жаҳли чиқиб итни тепди. Аммо жонивор жойидан кўзгалмади. Хонадон соҳибининг чақиритишдан сўнг унинг икки ўғли итни жойига судраб олиб бориб, занжир билан боғлашди. Шунда жонивор жойини тимдалаб тинмай увиллай бошлади. Худди йиғлагандек овоз чиқарарди. Олапар узоқ увиллади, аммо унга эътибор беришмади. Хошимжон ака «Нексия»-сида уйдан чиқиб кетди. Рулни бошқариб борар экан, дили яна ғаш бўла бошлади, итнинг увиллашини ўйлади, бир кўнгли ортга қайтишни истади. Аммо режалаштирган ишлари кўп эди. Шу боис ишга шошилиб, машина тезлигини оширди. Ишонаси жойлашган кўчага яқин қоласига фожиа рўй берди. «Нексия» катта тезликда келаётган «КамАЗ» билан тўқнашиб кетди. Автофалокат натижасида Хошимжон ака оғир жароҳат олди ва шифохонада вафот этди. Уни шу кун чиқаришди. Тобут ердан кўтарилганда қизиқ ҳодиса юз берди. Бир четда худди инсонлардек кўзидан ёшини оқизиб турган Олапар бирдан қаттиқ увиллаб ўзини оломон қорасига урди. Итни боғламоқчи бўлишди, аммо у тутқич бермай қочиб кетди. Марҳумни қабрга қўйишаётганда ҳам у узоқдан қараб турди, одамлар қабристондан чиқар-чиқмас ўзини қабр томон отди. Шу бўйи уйга қайтмади. Хўжайинининг қабри олдида кўзининг ёшини оқизиб, индамай ётди. Хошимжон аканинг ўғиллари итни уйга олиб кетмоқчи бўлишди, аммо жонивор уларга қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, итнинг жасадини қабр олдида топилди. Барча тилсиз жониворнинг шунчалик инсонга садоқатли эканлигига амин бўлди.

Вафодор ит ўшанда рўй беражак фалокатни олдиндан сезган ва хўжайинини асраб қолмоқчи бўлган экан.

**А.НОРҚУЛОВ**

## Инсон ва табиат

### Турп мўъжизаси

Бу воқеани Абдували Охун сўзлаб берган эди. Марғилонлик бир кишининг ўн икки яшар ёлғиз ўғли бармоқлари тирноғини кемириб юриши оқибатида ошқозониди йиғилган тирноқлар бир тўп бўлиб суякка айланиб қолган экан.

Болани отаси табиб-шифокорларга бир неча бор кўрсатади. Улар болага дори-дармон қилишади. Лекин нафи бўлмайди. Охири жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш керак деган хулосага келинади. Ота-она рози бўлгач, Москвада боланинг қорнидаги суяк олиб ташланади. Афсуски, жарроҳликдан сўнг бола ўлади. Фарзанд доғида куйган ота ҳалиги суякни йўқолиб қолмасин, боламни эслатиб турсин дея пичоғига соп қилдириб олади. Кунларнинг бирида ошга турп тўғраб ўтириб, пичоқни турп тўғралган қосанинг устига қўйиб, ошни сузгани кетади. Келиб қараса, пичоқ дастаси бутунлай эриб тушганмиш. Ота турп намида эриб кетар экан, шун билсам болам нобуд бўлмасди, унга турп едириб турсак бўлар экан дея надомат чекади...

Бунинг ҳикмати ёлғиз Яратганга маълум. Нима бўлганда ҳам тирноқ ейдиган болаларга турп едириб туриш фойдадан холи бўлмайди.

**Ҳасан МУҲАММАДЕКУБ ўғли**



Қамаши. «Тоҳир ва Зухра»нинг рамзий қабри.

## Мулоҳаза

### Инсофни биласизми?

Бугунги кунда инсоф анқонинг уруғи бўлиб қолди. Чунки қаерга борманг, кўпчилик бир-бирини алдаш билан овора. Бозорда ўтирадиганларнинг айримлари инсоф ва андишани унутиб қўйган. Тарозидан уриб қолишади-да, яна кўзингизга қараб туриб «Худо урсин, тарозим тўғри. Ёқса олинг, бўлмас кетинг!» деб туришади.

Эрта тонгдан деҳқонларимиз етиштирган сабзавотларини, меваларини сотиш учун бозорга йўл олишади. Улар етиб келиши билан атрофида олибсотарлар уймалашиб қолади. Бир кун эринмасдан уларни кузатдим.

Сабзи етиштирган деҳқоннинг ёнига иккита олибсотар бориб аврашга тушишди.

— Инсоф билан ўзингиз бирор нарх айтинг, — дейди бечора деҳқон қавариб кетган қўлларини бир-бирига ишқалаб.

— Берсангиз шу нархга оламан, бермасангиз ўзингиз биласиз. Чунки бозорда ҳозир сабзи тикилиб ётибди. Эртага сотолмай қолсам, куйгандан мен пулимга куйиб қоламан, — дея бояги олибсотарлар ўзини хокисор кўрсатишди.

— Жуда пастга урманг-да. Ахир шу ҳосилни етиштириш учун неча ойдан буён меҳнат қиламиз. Сал қўшинг энди, укажон, — дейди деҳқон.

— Ие, иккиланиб ўтирадиган вақт эканми? Тезроқ берворсангиз бўлмайми? Сиз айтган нархга ҳеч ким олмайди, — дейди олибсотарнинг ўртоғи деҳқонни турткилаб. Шу тариқа бир амаллаб сабзини арзон нархда олиб қолишди.

Деҳқон эса бир қўлидаги пулга, бир қолдаги сабзига термулганча йўлида давом этди.

Бозордаги олибсотарлар эса ошиғи олчи бўлиб, деҳқоннинг мо-

лини ўзи етиштиришгандек мақтаб-мақтаб сота бошлашди.

Бу орада назорат тарозисига олган сабзисини торттирган харидорнинг фиғони фалакка чиқди.

— Олти кило деб олган сабзим беш кило чиқди. Бунча ноинсоф бўлмас бу сотувчилар! — дея асабийлашиб харид қилган жойига келди.

— Намунча бақирасиз! Менинг тарозим тўғри! Ёқса олинг, ёқмас, ана катта кўча!

Харидор бечора харид сабзини олишни ҳам, қайтариб беришни ҳам билмай бир зум каловланиб қолди-да, кейин:

— Илоё, олганларинг буюрмасин. Худойимнинг ўзи сенларга инсоф берсин! — дея кетди.

Аллоҳ инсоф бермас ҳам қийин экан-да.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи**

## Қўнлардан бир кун

### Тошбақа

Тўртта тошбақа ёзнинг иссиқ кунларида тоққа чиқиб сайр қилишга қарор қилишибди. Базми жамшид учун барча егулик ва ичимликлардан олиб, халталарини тўлдиришибди. Бир, икки, ўн... ўттиз йил ўтиб улар тоққа етиб келишибди. Халталаридан ҳамма нарсаларни чиқариб ўртага қўйишибди. Қарашсаки, шиша идишларни очиш учун очқич йўқ. Бунинг ягона чораси — ораларидан бири уйга қайтиб, очқич олиб келиши керак эди. Табиийки, катталар ёш тошбақага юз-

ланишибди. Шунда у:

— Бўпти, бораман, фақат битта шартим бор, — дебди.

— Нима экан? — дейишибди кексалар.

— Мен келгунча ҳеч бирингиз бир оғиз ҳам луқма емайсизлар.

Бошқалари бу шартга рози бўлишибди. Ёш тошбақа йўлга чиқибди... Орадан йигирма йил ўтибди. Бу ўртада кекса тошбақалардан бири қаттиқ бетоб бўлиб қолибди. Дўстлари нима чора қилишни билмай, тош-

бақадан сўнги тилагини сўрашибди:

— Гарчи ёш тошбақага сўз берган бўлсак-да, шу егуликлардан бир луқма есам майлими? — дебди у. Бошқа иккиси ўйлаб-нетиб ўтирмай дарҳол:

— Албатта, — деб юборибди.

Тошбақа бир оғиз луқмани энди оғзига солаётганда буталар орасидан сакраб чиққан ёш тошбақа бақариб юборибди.

— Ана энди бориб бўлман!

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**

## Ҳикмат

Умрни биз бугун-эрта деб орқага сурамизу, у ўтиб кетади.

**СЕНЕКА**

## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз \_\_\_\_\_

Исмингиз \_\_\_\_\_

Отангизнинг исми \_\_\_\_\_

Туғилган йилингиз \_\_\_\_\_

Манзилингиз \_\_\_\_\_

Иш(ўқиш) жойингиз \_\_\_\_\_

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? \_\_\_\_\_



Футбол

**Футбол бўйича ЖЧ-2010 ва Катарда ўтадиган Осиё чемпионати-2011 финал босқичига чиқиш учун гуруҳлардаги рақибларимиз маълум бўлди. Шу муносабат билан яқинда Ўзбекистон футбол федерациясида миллий терма жамоамиз бош мураббийи Рауф Инилеев иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.**



мухайё этишга бел боғлаган.

Учрашув чоғида федерация президенти 4-босқичга йўл олиш вазифасини удалаганлиги учун мураббийлар штаби ва футболчиларга миннатдорлик билдирди ҳамда мукофот пулларини топширди. Аниқроқ баён этсак, 3-босқичдаги ҳар бир галаба учун терма жамоага 80 млн. сумдан берилди. Шунингдек, Саудия Арабистони термаси устидан қозонилган ишончли галаба учун (3:0) футболчилар қўшимча равишда деярли уч баробар куп мукофот пули олишди. Маълумот урнида шунини айтиб ўтиш керакки, 4-босқичдаги айнан шундай натижалар учун футболчилар икки баробар куп мукофот пули олишади. Бундан ташқари, жаҳон чемпионати йўлланмаси қўлга киритилса, терма жамоа делегациясининг ҳар бир аъзосига алоҳида супермукофот ваъда қилинган.

— Мана шундай қувончли учрашувларда қатнашиш ҳамisha

— Жаҳон чемпионатининг туртинчи саралаш босқичидаги иккала гуруҳни ҳам тенг кучли тенг деса бўлади, — дея суз бошлади Рауф ака. — Жамоаларни фаворит ёки аутсайдер деб ажратиш қўйсатиш ноурин. Мени ташвишга солаётган нарса — уйинлар тақвими. 6 сентябрда Катарда уйнагач, биринчи турда дам олган Австралия термасини қабул қиламиз. Навбатдаги турда эса 15 октябр кунини 2-турда дам олган Японияга сафар уюштирамиз. 5-тур эса 11 февралга тўғри келмоқда...

Хуллас, саралаш мусобақасини сафарда бошлаб, сафарда тугатамиз. Бундан ташқари, қуръа хохламаган рақиб — Австралия термасини бизга рубару қилди. Гап уларнинг кучлилигида эмас, узок

Рақиблар ва вазифа аниқ.

Ҳатто мукофот ҳам...



масофали сафарда. Қарийб 20 соат училади. Бу анча кучни олади. Лекин нима бўлганда ҳам бу уйинларга жиддий тайёрланамиз.

Осиёнинг 2007 йилдаги энг яхши мураббийи қитъа кубоғи баҳсларига ҳам муносабат билдирди.

— Осиё чемпионатининг қуръа ташлаш маросимида бевоқифа иштирок этдим. Тан олиш лозим, бошқа гуруҳлар билан солиштирганда, гуруҳимизда вазият унчалик чигал эмас. Барча рақиблар билан бемалол уйнаса бўлади. Аммо бу мусобақада ҳам тақвим билан боғлиқ муаммолар бор. Ўзбекистон терма жамоаси уйинларини январда бошлаши кишини уйга толдиради. Чунки бу пайтда футболчиларнинг ҳолати унча яхши бўлмайди. Шу каби муаммоларни айтмаганда, гуруҳдан чиқиш бизга ортиқча қийинчилик туғдирмайди.

Қўшимча қилиш жоизки, утган ҳафтада УФФ президенти Мираброр Усмонов миллий терма жамоа футболчилари ва мураббийлари, шунингдек, бошқа мутасаддилар билан учрашди. Мамлакат футбол федерацияси терма жамоанинг ЖЧ-2010 туртинчи саралаш босқичига пухта тайёргарлик куриши учун барча шароитларни

ёқимли. Олдимизда 4-босқич турибди. Эски галабаларни ёддан чиқариб, жаҳон чемпионати йўлланмасини шу босқичнинг узидаёқ қўлга киритишимиз керак. Бу осон бўлмайди. Аммо федерация раиси сифатида сизларга барча шароитларни яратилишига ваъда бераман. Энг аввало, Европада уқув-машгулот йиғинларини уюштириб, номдор терма жамоалар билан уртоқлик учрашувлари утказиш зарур. Биз бунга тайёрмиз, — деди Мираброр Усмонов тадбир чоғида.

Футболчиларнинг уйини қувшиши учун уртоқлик уйинларида ҳам гап куп. Миллий терма жамоамизнинг 2008 йилнинг қолган қисми учун уртоқлик учрашувлари тақвими тузилди. 29 август кунини Рауф Инилеев шогирдлари БААга йўл олади. 11 октябрда эса Жанубий Корея терма жамоаси меҳмони бўламиз. Шу билан бирга 20 август кунини Тошкентда уйнаш учун муносиб рақиб изланаёпти.

Мамлакатимизда спортга берилган эътибор, қолаверса, футбол федерацияси амалга ошираётган ислохотлардан сўнг ҳар биримизда умид уйғонади, миллий термаимизни жаҳон чемпионатида куришга ишончимиз ортади.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**

Суперсенсация

Яқингача хорижий ёки ўзимизда нашр қилинадиган газета-журналдан, интернет саҳифаларидан футбол оламидаги сенсацион янгиликларни ўқиб қолсак, ҳайратимиз ошар ёинки ҳавас қилар эдик. Масалан, фалон футболчи фалон миллион доллар эвазига у клубдан бунисига ўтибди дейилса. Айниқса, «миллионлар ўйини» санъат даражасида ривожланган кучли бешлик давлатлари чемпионатларида шов-шувли трансферлар тез-тез содир бўлади. Дунёнинг қолган футболчилари ушбу чемпионатларда тўп суришни орзу бизнинг футболчилар ҳам.

Ушбу ҳафтанинг бошларида мамлакатимиздаги спортга ихтисослашган ОАВ ва интернет саҳифаларида ўта шов-шувли хабарлар тарқала бошлади. Эмишки, Тошкентнинг «Қурувчи» футбол клуби ўз сафига жаҳон футбол юлдузларидан бири — камерунлик «афсунгар» лақаби билан танилган Самуэл Это'Они

ч и " ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Испаниянинг «Барселона» клуби билан «1+1» тизимида шартнома имзолади. Унга кўра, «Барселона»нинг бир неча менежери «Қурувчи» футбол клубига ташриф буюриб, ўз йўналиш-



Камерунлик «афсунгар» ЎЗБЕКИСТОНДА!



қўшиб олармиш. Бу гапларни эшитган баъзи бировлар хатто, ҳазил бўлса керак, деб эътироз билдиришди. Дарҳақиқат, уларнинг гапида ҳам жон бор. Ахир Лондоннинг «Арсенал», Миланнинг «Милан» каби суперклублари кизиқиш билдираётган «Барселона» ҳужумчиси 16 турда Асрор Алиқулов ёки Анзур Исмоиловга қарши тўп сурадимми?

Бу хусусда Ўзбекистон футбол федерацияси сайтыда, жумладан шундай расмий хабар берилди:

«Камерун терма жамоаси ва Испаниянинг «Барселона» жамоаси ҳужумчиси Самуэл Это'О Тошкентнинг «Қурувчи» клубига трансфер қилинади. Африкалик юлдуз Тошкентга 17 июль кунини ташриф буюради. «Қурувчи» ҳамда «Барселона» ҳужумчининг «қалдирғочлар» таркибига трансфер қилиниши масаласида якуний келишувга эришди. У «Қурувчи»га Осиё чемпионат лигасидаги ҳал қилувчи ўйинларида жуда асқотади.

Ҳужумчининг трансфери ва имзоланган шартнома тафсилотлари ҳозирча эълон қилинмаёпти. «Қурувчи» футболчининг Тошкентдаги ташрифидан сўнг уюштирилаётган матбуот конференциясида бу хусусда расман эълон қилади.

Таъкидлаш лозим, «Қурув-

лари бўйича жамоа ходимлари учун ташкил этилган халқаро семинар курсларида маърузалар ўқишади.

Шартнома доирасидаги келишувга кўра, 20-21 июль кунлари Тошкентга «Барселона»нинг яна 3 нафар футболчиси, 2008 йилги Европа чемпионлари — Хави Эрнандес, Андрес Иньеста ва Карлес Пуйоллар ташриф буюради.

Это'Одан фарқли равишда, юқоридаги трио мастер-класс уюштириш, ўзбекистонлик футбол ишқибозлари билан учрашиб, уларга кўтаринкилик бағишлаш мақсадида Ўзбекистонга келади.

Бундан ташқари, клуб бош мураббийи Миржалол Қосимов Россиянинг машҳур сайтларидан бирига берган интервьюсида яқинда «қалдирғочлар» таркибига ўтаётган камерунлик ҳужумчи ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Это'Онинг ўтгани бу шунчаки гап эмас. Бу ҳолат бизнинг «Барселона» клуби билан ҳамкорлигимиздан далолат беради. Мен ўзим ҳам ҳали ҳаммасига ойдинлик киритганим йўқ. Лекин бир нарсани айтишим мумкинки, камерунлик ҳужумчи «Қурувчи» таркибига камида олти ой ўйнайди.

«Қалдирғочлар»нинг келажаги ҳақида гап кетганда, Қосимов қуйидагиларни таъ-

кидлади: «Албатта биз миллий чемпионатимизда голиб чиқиш ва Осиё чемпионат лигасида ҳам қониқарли натижаларни кўрсатиш ниятидамиз. Лекин бизнинг асосий мақсадимиз юртимиздаги футбол савиясини ошириш. Чиройли ўйин кўрсатиш. Это'О эса, бу борада, албатта, керакли номзод. Ана шундай улкан ишларни клуб раҳбарияти ўзларига мақсад қилиб қўйишган».

Режага кўра бугун 12:30 да Это'О ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахслар Ўзбекистон футбол федерацияси офисида ташриф буюрадилар. Соат 14:30 да InterContinental отелининг «Биллур» залида ташкил этиладиган матбуот анжуманида Самуэл Это'О оммавий ахборот воситалари вакиллари билан савол-жавобда қатнашади. 16:00 да эса МХСК стадионида ҳужумчи футбол ишқибозлари билан учрашади. Унда клубнинг барча ишқибозлари иштирок этиши мумкин. Шунингдек, 16:30 да Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари ва «Қурувчи» ПФК футбол мактаби тарбияланувчилари учун Самуэл Это'О ижросида мастер-класс ўтказилади.

Хуллас, барчасига бугун ойдинлик киритилиши мумкин. Лекин бир ҳисобда бу ажабланидиган воқеа бўлмаслиги керак. Зеро, қатор араб давлатлари клублари ўз сафларига жаҳон футболлида номи чиққан юлдузларни қўшиб олаётган бир пайтда нега бизнинг жамоалар бу ишни амалга оширишмасин. Улар халқаро майдонда асосан араб жамоалари билан рақобатлашишади-ку.

Дарҳақиқат, «Қурувчи» футбол клуби амалга ошираётган иш ўзбек футболлини янада юқори поғонага олиб чиқишга ёрдам беради. Шу ўринда, «қалдирғочлар» ўз таркибларини бундан ҳам кучайтиришларини тилаб қоламиз.

**Нурбек ЮЛДОШЕВ тайёрлади**

## Ярим кунда сотилди

Шу кунларда хитойликлар Олимпиада кайфияти билан яшамоқда. Бунинг 9 июл куни Пекин-2008 Олимпиадасига бағишлаб муомалага чиқарилган 6 миллионга 10 юанлик қоғоз пулларнинг ярим кун ичида сотилиб кетганидан ҳам билса бўлади. Бунинг устига ҳар бир харидорга атиги биттадан банкнот сотилди.

Бу ҳолдан чайқовчилар дарҳол фойдаланишга киришдилар. Қора бозорда 10 юанлик пуллар 200-300 юанга (29-44 АҚШ доллари), интернет орқали эса бундан ҳам қимматроққа сотилмоқда. Шу пайтгача Олимпиада ўйинларига бағишлаб кўплаб тангалар зарб қилинган бўлса-да, қоғоз пул чиқарилмаганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳадемай хитой пуллари нумизматлар орасида жуда машҳур бўлиб кетишини тахмин қилиш қийин эмас.




## 2014 йили Литвада...

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, Литва сейми 15 июл куни армия тузилишига оид бир қатор қонунларни қабул қилди. Уларда, жумладан, 2014 йили мамлакатда умумий ҳарбий хизмат бекор қилиниши кўзда тутилган.

Парламент матбуот хизматининг хабарига кўра, 2008 йили Литва армиясига 1600 киши мажбурий хизматга чақирилган. Янги қонунга биноан йиллар ўтган сайин чақирилувчилар сони қисқартирилиб, 2014 йилдан армия профессионал асосда фаолият кўрсата бошлайди.

Айни пайтда муддатли ва профессионал ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар сони 16 минг кишига яқин.



## Кўпнинг нигоҳи кўкда...

Полша ва Испания сайёрамиз орбитасига ўзларининг илк сунъий йўлдошларини учуришмоқчи. Поляк сунъий йўлдоши «Мазовия» (мамлакатнинг марказий қисмидаги минтақа шарафига) деб аталиб, ҳозир уни яратиш ишлари давом этмоқда. Вазни 200 килога яқин аппарат 700 километр баландликдан ўлчами 2x2 метр бўлган объектларнинг фотосуратини олишга мўлжалланган. 2012 йили учуриш мўлжалланган сунъий йўлдошдан 5-6 йил фойдаланилади.

2009 йил декабр ойида учурилиши кўзда тутилган испан сунъий йўлдоши халқаро Табиий офатларни кузатиш тизими (DMC)нинг бир қисми бўлади. Айни пайтда фазода табиий офатлар мониторингини олиб боровчи 4 та сунъий йўлдош мавжуд. Испан аппаратининг вазни 89 кило, ўлчами 60x60x100 сантиметрга тенг.

Ҳар иккала аппарат Қозоғистоннинг «Бойкўнғир» космодромидан учурилади.

## Нефт ва балиқни нима боғлаб туради?

Япон балиқчилари ёнилғи нархининг ошишига норозилик белгиси сифатида бир кунлик иш ташлаш эълон қилишди. 200 мингтага яқин балиқчи кемалар денгизга чиқмади.

Деярли 3600 нафар балиқчи ҳукуматдан тезда ёрдам кўрсатишни, жумладан балиқчилик соҳасини ривожлантириш учун давлат субсидияси ажратилишини талаб қилиб Токио марказидаги боғда тўпланди. Уларнинг гапларига кўра, бензин нархи гоят баланд, балиқчи эса жуда арзон бўлиб турган шароитда бу касб билан шуғулланишдан наф йўқ. Кўплаб кемалар эгаларининг ёнилғига пули йўқлигидан ишсиз турибди.

Бундан олдин ёнилғи нархининг ошишига Франция, Италия, Испания, Португалия ва Греция балиқчилари норозилик билдирган эди.



## Ироқ байроғи ўзгартирилади

Ироқда давлат байроғининг янги варианты учун танлов эълон қилинди. Байроқ вариантлари сентябр ойининг охиригача қабул қилиниб, шундан сўнг уларнинг учтаси танлаб олинади ва овоз бериш учун парламентга тақдим этилади. Йил охиригача янги байроқ тасдиқланиши керак.

Январ ойида Ироқ курдларининг талабига кўра давлат байроғидан мамлакатнинг собиқ президенти Саддам Хусайн раҳбарлик қилган БААС партиясининг уч мақсади — бирлик, эркинлик ва социализмнинг тимсоли бўлган беш қиррали учта яшил юлдузча олиб ташланган эди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрда Ироқ байроғи бир неча марта ўзгартирилган.



## Буюкбританияда инфляция

Буюкбританияда 2007 йилнинг июн ойидан 2008 йилнинг июнигача инфляция 3,8 фоизни ташкил этди. Бу ҳақда АҲП агентлиги Миллий статистика бюроси маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Бу мамлакатда охириги 16 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир. Сўнгги бор Буюкбританияда пулнинг йиллик 3 фоиздан ортиқ қадрсизланиши 1992 йилнинг май ойида кузатилган.

Инфляциянинг ўсишига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилгининг қимматлашуви сабаб бўлди дейилади бюро сайтида эълон қилинган маърузада. Охириги 12 ой мобайнида озиқ-овқатнинг баҳоси 10,6 фоиз ошган. Жумладан, мева-чева 8,2 фоиз, ўсимлик мойи 28,2 фоизга қимматлашган. Электр, газ ва ёнилғи нархи 13,8 фоизга ўсган.

## Армия кучайтирилади

Грузияда сешанба куни мамлакат парламенти қуролли кучлар сонини 32 мингдан 37 минг кишига ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

«РИА Новости» (Россия) агентлигининг хабар беришича, Грузия президенти Михаил Саакашвили шундай ташаббус билан чиққан. Ўз навбатида парламентнинг мудофаа ва хавфсизлик қўмитаси раиси Гиви Таргамадзе ҳарбийлар сонининг оширилишини грузин давлати хавфсизлигига солинаётган таҳдид кучайганлиги ва халқаро операцияларда қатнашаётган грузин ҳарбийлари сони кўпайганлиги билан изоҳлади.

37 минг кишининг 90 фоизи шартнома, 10 фоизи чақирик асосида ҳарбий хизматни ўташи кутилапти.

Бундан ташқари Грузия парламенти давлат бюджетига киритилаётган қўшимчаларни ҳам тасдиқлади. Унга кўра Мудофаа вазирлиги йил охиригача қўшимча равишда 210 млн. АҚШ доллари миқдоридан маблағ олади. Шу тариқа вазирликнинг 2008 йилги бюджети 997 млн. долларни ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



## Куёш пирамидаси остидаги форлар

Июль ойининг охирида мексикалик, америкалик ва япониялик олимлардан ташкил топган экспедиция Қадимги Теотиуакан (ҳозирги Мехико шаҳри ҳудуди)да жойлашган Куёш пирамидаси остидаги форлар мажмуасини текширишга киришади. Олимларнинг мақсади ерости йўлаклари ва форлар мажмуасининг яратилиш сабабларини аниқлашдан иборат.

Форлар мажмуаси 20 фут (6 метр) чуқурликда жойлашган. Унга олиб борувчи йўлакнинг узунлиги 295 фут (88,5 метр)ни ташкил этади. 1971 йилда иншоотни таъмирлаётган усталар тасодифан Пирамида атрофида ажабтовур нузли томошанинг гувоҳи бўлишади. Тадқиқ қилиш мақсадида келган олимлар йўлакнинг табиий эмаслигини кўришади. Энг муҳими, унга кириш йўллари ёпик эди. Энди ана шу синоат ечими топилди ва тадқиқот гуруҳи тузилди.

Археологлар Куёш пирамидасининг бу мажмуаси диний тадбирлар, хусусан одамларни қурбон қилиш маросимини ўтказишга мўлжаллаб қурилган деган фикрни илгари суришмоқда. Шунингдек, форлар Теотиуакан шаҳри тақдирини ҳам «сўйлаш» мумкин. Бу қадимий шаҳар эрамыздан аввалги 2-5 асрларда гуллаб яшаган. 7-8 юзйилликда шаҳар ёқиб юборилди ва аҳоли бу ерни тарк этади. Бу археологлар илгари сураётган тахминлардан бири. Шаҳар инкирозининг асл сабаби ҳануз сирлилигича қолмоқда. Охири сўзни эса экспедиция хулосаларига кўра айтиш мумкин.

## Ҳаво шари қачон пайдо бўлган?

Илк ҳаво шари 1783 йилнинг 21 ноябрида Франция осмонига кўтарилди. Унинг ихтирочилари ака-ука Монгольфьерлар бўлиб, шар ичи қайноқ ҳаво билан тўлдирилган эди. Двигателли ҳаво шари ҳам Парижда, Генри Гиффард томонидан яратилди. У кўмир ёрдамида ишлаган. Тўғри, бу усул жуда хавфли эди, бироқ шар ҳавога осонлик билан кўтарилган.



## Қоғозни ким ихтиро қилган?

Мисрликлар 5000 йил аввал кўппояли папирус ўсимлигини қайта ишлаш орқали қоғоз олишган. Ҳозирги қоғозларга сифат жиҳатдан ўшаб кетадиган бундай маҳсулот эрамызнинг 105 йили Хитойда тайёрланган. Пахтадан тайёрланган мато қолдиқлари, даррахт пўстлоғи ва қуритилган ўсимликлар қадимий қоғознинг хомашёси вазифасини ўтаган. Инжилнинг энг қадимий саҳифалари 2200 йил аввал тери парчалари(пергамент)га битилган эди. 11-15 асрларда Рус давлатида хат ва ҳужжатларни ёзишда қайин пўстлоғидан фойдаланишган. 13-14 асрда Самарқанд қоғозининг шўхрати дунёга ёйилган. Синоати ҳанузга қадар яширин бу нафис қоғоз аждодларимиз тенгсиз заковатининг бир намунасидир.

## Осмонга тенглашган кўприк

Энг баланд кўприк қаерда қурилганидан хабардормисиз? АҚШнинг Колорадо штатидаги Ройал-Горж дараси узра қурилган кўприк ана шу номга муносиб топилган. Денгиз сатҳидан 321 метр баландликдаги ўлчов кўприкни дунёга танитди. Баландлик бўйича ундан кейинги ўринни Эйфел миносари эгаллади.



## Изоҳи сиздан...



Уятчангман, аслида,  
Тагин тортинчоқ, бироз.  
Бир ванна қилай, десам,  
Қараб турибди «хўроз».  
Бу ким бўлди яна  
Сочлари «типратикан»,  
Дея бундай қарасам,  
Кўзгуда аксим экан.

Сарвиноз КОМИЛОВА,  
II-Тошкент юридик коллежи талабаси




Бирин исми Бехрузбек,  
Иккинчиси Ферузбек.  
Сув тўла тоғорада,  
Ўтиришмас ҳеч ҳам тек.  
Айтишади, ҳозирча  
Хўп завқланиб, куламин.  
Кейинроқ бассейнда,  
Рекорд кўзлаб сузамин.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,  
«Хамкорбанк» ОАТБ бир-  
лашган касаба уюшмалари  
қўмитасининг раиси


Ойим «чўм-чўм» қиламиз,  
Деса кўрқиб юрардим.  
Дадамни пана қилиб,  
Ортига беркинардим.

Сувдан кўрқаним учун,  
Бари менга қулади.  
Акам сувга пишганин,  
Айтсам уни уради.

Фарҳод ПИРМАНОВ,  
Булунғур тумани



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?



(21-27 июль)

**КҮЙ**  
Уй ишларини бажаришда ўзингиз учун режа тузиб олинг. Шунда сиз катта ютуқларни қўлга киритишингиз мумкин. Иш жойингизда ҳамкорлар билан амалга оширилган муносабатларда тушунмовчилик ва ишончсизлик юзага келиши мумкин. Дам олиш кунларини шаҳардан чеккароқда ўтказганингиз маъқул.

**БҲҮОҚ**  
Тадбиркорлик борасидаги ишларингиз олға силжийди. Янги ҳамкорлар топасиз. Махсулотингиз харидорлигини ошади. Қўни-қўшилар, қариндошлар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун сиздан ёрдам сўрашади. Имкон қадар кўмаклашинг. Иш юзасидан сафар чоғида кўнглили учрашув бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР**  
Жума ва шанба кунлари юлдузлар муҳаббат бобида сизга ҳомийлик қилишади. Соғлигингизга эътибор беринг. Дам олиш кунлари спорт билан шуғулланиб, дўстлар даврасида ҳордиқ чиқаринг. Янги-янги режалар тузилиши, катта ишларга қўл уришингиз кутилмоқда. Эски араз ва гиналарни унуттишга ҳаракат қилинг.

**ҚИСКИЧВАҚА**  
Самимийлик ва ҳушқачқаклик сизга янада гўзаллик бағишлайди ва атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилади. Ташқи гўзалликка ҳам вақт ва маблағ ажратинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида арзимас гап-сўзлар тўфайли кайфиятингизни бузишлари мумкин.

**АРСЛОН**  
Иш жойдаги ташвишларни унутиб фикрингизни бир жойга тўплашга ҳаракат қилинг. Соғлигингиз жиддий эътиборни талаб қилапти. Шунинг учун бу масаладаги вазифани кечиктирмай бажаринг. Шифокор кўрсатмаларидан ташқари табиий даво воситаларини қўлланг.

**ПАРИЗОД**  
Ҳамфирлар, дўстлар ва тенгдошларингиз билан турли учрашувлар уюштирилиши кутилмоқда. Ҳар қандай жамоавий иш муваффақиятли яқун топади. Уй жиҳозларини таъмирлашга беришингиз ёки янгиини сотиб олишингиз мумкин. Электр жиҳозлари билан ишлашда эҳтиёт бўлинг.

**ТАРОЗИ**  
Парҳез ва узлуксиз даволашни самарали натижа беради. Ҳафта моддий-молиявий масалаларни бартараф этишингиз учун қулай келиши кутилади. Иш жойингизда меҳнатингиз муносиб тақдирланади, муқофот олишингиз мумкин.

**ЧАЕН**  
Узоқ вақт давомида олиб борилган тадқиқот ишларининг натижаси кўнгилдагидек бўлади. Дўстларингиз давраси кенгайди, янги танишлар орттирасиз. Спорт мусобақаси ёки музикавий кўрик-танловда муваффақият қозонасиз. Илм олиш, билим доирасини кенгайтириш учун қулай имконият юзага келади.

**УКОТАР**  
Асосан иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўласиз. Кредит ва қарз олмасликка ҳаракат қилинг. Йўл ҳаракати қордаларини бузсангиз жарима тўлашга тўғри келади. Турмуш ўртонингиз билан арзимас гап-сўзлар тўфайли жанжаллашиб қолишингиз мумкин.

**ТОҒ-ЭҶҚИСИ**  
Бу ҳафтада оила аъзоларингиз билан дам олишга тоғ ёнбағрига чиқишингиз мумкин. Муаммоларингизни яққа ҳолда ҳал қилолмайсиз. Дўстлар ва яқинларингиз кўмағига таянинг. Фойдасини кўрасиз. Дам олиш кунлари эса янги гоғлар туғилиши кутилмоқда.

**КОВҒА**  
Оилангиз ёки касбий фаолиятингиз билан боғлиқ ажойиб янгилик юз бериши кутилади. Кутилмаган соғалар оласиз. Янги танишувлар натижасида иккинчи ишингиз олға силжийди. Синфдошлар билан учрашув сизга болалик хотираларини ёдга солади. Мазмуни ҳаёт кечириб истаги бош мақсадингизга айлансин.

**БАЛЛИК**  
Агар турли-туман юмушлардан ташқари фарзандаларингиз ва турмуш ўртонингизга ҳам кўпроқ вақт ажратсангиз ҳеч қандай тушунмовчиликка ўрин қолмайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстларингиз билан кечки базмда иштирок этишингиз мумкин.

<b>Ishonch</b> МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Бош муҳаррир <b>Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ</b> Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндик Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Бизга кўнгирак қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақдаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар «i» белгиси остида чоп этилади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - А.Абдуллаев Мусаххих - Ш.Абдусаматов Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдуқалилов Буюртма Г-614 Тираж: 10766 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 19.30 Сотувда эркин нархда 1 2 3 6 7 8
	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134				